Г-Ҳч №1-52 2012

O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 4-yanvar, chorshanba ● № 1 (753) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

25 долларга компьютер

«DataWind» компанияси расмий вакили Сунит Сингх Тулининг айтишича, Россия бозори катта имкониятларга эга ва бу ерда компаниянинг «ақсий дўконларини қуриш режалаштирилмоқда. Унга мавжуд тармоқлар орқали савдо-сотиқ йўлга қўйилади.

Қувонарлиси, янги йилнинг январь ойида нархи 25-35 долларга баҳоланаётган «Raspberry Pi» номли яна бир миникомпьютер пайдо бўлиши кутилмоқда.

5-бет

Ота ва ўғил



Чунончи, «Ўзбекэнерго» буюртмасига асосан Ангренда 2 гектарлик, «Трансгаз» буюртмасига кўра Сурхондарёда 2 гектарлик замонавий иссиқхоналар қурилди. 44 та биологик лаборатория, 30 та автоматик инкубатор харидорларга етказиб берилди. Харидорлар эса тобора кўпайиб бормоқда.

6-7-бет

Чеҳралар мамнун, туйғулар мусаффо

Юртимизда ҳар доим байрамларни кўтаринки руҳда ўтказишга жиддий эътибор берилади.

Дарҳақиқат байрам тадбирлари халқимизнинг ўзига хос анъаналарига айланиб бормоқда. Айни кунларда Янги йил тантаналари бор таровати билан ёшу қарига шодлик улашмоқда.

8-бет

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида

Оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар ва омилларни яратиш, бунинг асносида оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш, ахборот соҳасини ривожлантиришда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда уларнинг ролини ошириш мақсадида:

1. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб:

оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имкониятлари чекланган шахслар (кўзи ожизлар, кар-соқовлар ва бошқалар) учун адабиётларни сотишдан олинган фойдадан фойда солиғини ҳамдабодонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан;

таҳририятлар, нашриёт ва босмахонаи оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотлари, тоб маҳсулотларини сотишдан ва уларнинг нусхалини кўпайтириш бўйича хизматлардан олинадиган даромадлар қисмида Ўзбекистон Республикаси Мол вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасиҳамда Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларинреконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйичаммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотларишлаб чиқариш учун оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, телерадиоэшиттириш компаниялари ва полиграфия ташкилотлари томонидаолиб келинадиган қоғоз, полиграфия материаллари ахборот сақлаш мосламалари, ускуналар божхона юкларидан (божхона йиғимлари бундан мустасно)беш йил муддатга озод этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2012 йилни1 январидан бошлаб оммавий ахборот воситалари китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматларишилган қиймат солиғига тортилмайди.

3. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб

микрофирмалар ва кичик корхоналарга мансуб бўлган оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, полиграфия ташкилотлари, телерадиоэшиттириш компаниялари учун ягона соқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга;

чоп этилган маҳсулотларни сотишда муҳаррирлик хизматлари, полиграфия ва нашриёхизматларини кўрсатишдан Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси ҳузуридаги "Ижод" Жамғармасига нашриёт-матбаа ташкилотлари тўлайдиган мажбурий ажратмалар миқдори икки фоиздан бир фоизга;

газета, журналлар ва китоб маҳсулотларини чакана сотишга ихтисослашган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси ўрта ҳисобда 2 баробарга пасайтирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 2012 йил 1 январдан бошлаб оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриёт ва босмахоналарни кичик корхоналар тоифасига киритиш чоғида улар ходимларининг ўртача йиллик чекланган сонини 50 нафардан 100 нафаргача кўпайтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда бир ойлик муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 30 декабрь



Орзуларимиз қанот ёзмоқда

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, баркамол авлодни тарбиялаш сингари буюк мақсадлар сари дадил қадамлар ташланди. Кўзлаган ниятимизга эришиш учун Юртбошимиз раҳнамолигида ўтган давр мобайнида улкан ислоҳотлар амалга оширилиб, бемисл ютуқлар қўлга киритилди. Ваҳоланки, бундан йигирма йил олдин бу мақсад-муддаоларга эришиши барча-барчамизнинг қалбимиздаги бир орзу эди.

2 »

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

- 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «М.Т.Эсановни Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчиси этиб тайинлаш тўғрисида»ги ва «С.Қ.Ҳусеновни Бухоро вилояти ҳокими лавозимидан озод этиш тўғрисида»ги Фармонлари матбуотда эълон қилинди.

- ***Олий Мажлис Сенатида парламент юқори палатасининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.***

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» ва «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунларнинг Андижон ҳамда Сирдарё вилоятларидаги ижроси таҳлил этилди.

- ***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.***

- Америка Қўшма Штатлари пойтахти Вашингтон шаҳрида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ўзбекистон элчихонаси томонидан «International Club DC» компанияси кўмагида ташкил этилган ушбу тадбирда АҚШнинг сайёҳлик компаниялари, жамоатчилик, академик, илмий ва ишбилармон доиралари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

✓ Муносабат

Миллий матбуотимиз ривожига ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодаси

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида миллий журналистикамиз тараққиётига, ахборот эркинлигини таъминлашга, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мустақиллигимизнинг илк кунларидан миллий ғояни шакллантириш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуришдек буюк мақсадимизни ҳар бир юртдошимизнинг онгида, маънавий оламида чуқур қарор топтиришда миллий матбуотимиз ҳам салмоқли вазифаларни бажариб келмоқда. Одамларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг дунёқараши тобора ўзгариб, уларнинг онгу тафаккури юксалиб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги, дахлдорлик туйғуси ошиб бораётганида оммавий ахборот воситаларининг ҳам ўз ўрни ва таъсири бор.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўнга яқин қонун ҳужжатлари фуқароларнинг сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги ҳавфсизлигини таъминлашда муҳим кафолат бўлиб хизмат қилмоқда. Қонун ҳужжатларининг давр руҳига ҳамоҳанг тарзда такомиллашиб бораётгани оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, соҳадаги демократик ислоҳотларни тобора чуқурлаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида ҳам муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу йўналишда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқини янада кенгроқ рўёбга чиқариш учун имкон яратиш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга хизмат қилади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йил 30 декабрда имзоланган "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарори миллий матбуотимиз ривожига бўлган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Ушбу қарорга мувофиқ, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ва нашриётлар ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имкониятлари чекланган шахслар (кўзи ожизлар, кар-соқовлар ва бошқалар) учун адабиётларни сотишдан олинган фойдадан фойда солиғини ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан беш йил муддатга озод этилди.

Таҳририятлар, нашриёт ва босмахоналар оммавий ахборот воситаларининг маҳсулотлари, китоб маҳсулотларини сотишдан ва уларнинг нусхаларини кўпайтириш бўйича хизматлардан олинадиган даромадлар қисмида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ҳамда Таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилингани уларнинг ихтиёрида кўплаб қўшимча маблағлар қолишига хизмат қилади.

Оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, телерадиоэшиттириш компаниялари ва полиграфия ташкилотлар оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун олиб келинадиган қоғоз, полиграфия материаллари ва ахборот сақлаш мосламалари, ускуналар бўйича божхона тўловларидан беш йил муддатга озод этилгани, оммавий ахборот воситалари ва китоб маҳсулотларини етказиб бериш хизматлари қўшилган қиймат солиғига тортилмаслиги ҳам уларга катта молиявий ёрдам бўлиши шубҳасиз.

Бундай имтиёзлар албатта оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш учун молиявий шароит яратиши, соҳа ходимларининг даромадини, моддий фаровонлигини ошириш билан бирга, бошқа бир қатор соҳа ва тармоқлар ривожига ҳам катта таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

Бу каби ғамхўрлик биз, соҳа ходимларидан юксак масъулиятни, ижтимоий-маънавий бурчни астойдил ҳис этишни, Ватанимиз, халқимиз манфаатларининг том маънодаги ҳимоячилари бўлишни, янгиланиш жараёнларининг мазмун-моҳиятини халқимиз, кенг жамоатчиликка холисона, тезкор ва ишончли тарзда етказишни талаб этади.

Шерзод ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси (ЎзА)

Қарор ва ижро

Фарғонада улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 5 майда қабул қилинган "Фарғона ва Қўқон шаҳарларини 2008-2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ кенг кўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалининг янги биноси бунёд этилди. Шаҳар марказида муҳташам "Бахт уйи" қурилди. Вилоят драма ва мусиқали комедия театри биноси ҳамда унинг атрофидаги хиёбонда кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Аҳолининг, айниқса, ёшларнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида шаҳарнинг Аҳмад Яссавий кўчасида 48 хонадонли, Алишер Навоий кўчасида учта 16 хонадонли тураржой бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Фарғона "Азот" очиқ акциядорлик жамияти томонидан эски ётоқхона биноси 108 хонадонли уйга айлантирилди.

"Фарғона" аэропортини реконструкция қилиш жараёнида йўловчилар учун қулайликлар ва парвозлар хавфсизлигини оширишга қаратилган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Аэропорт тегишли замонавий ускуналар, тизимлар ва дастурлар билан жиҳозланди. Йўловчиларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида транзит зали қурилди. Шунингдек, такси чақириш, дорихона, почта, телефон, телеграф каби сервис хизматлари йўлга қўйилди. Тадбиркорлар учун алоҳида зал бунёд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 15 ноябрда қабул қилинган Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилишга оид қарори вилоят марказида бунёдкорлик ишларини изчил давом эттиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатга биноан Фарғона шаҳри ижтимоий инфратузилмаси тубдан яхшиланиб, шаҳар замонавий архитектура талаблари асосида бутунлай янгича қиёфа касб этади.

Шаҳарнинг Бош режасини ишлаб чиқишда жойнинг ландшафти, аҳолининг жойлашиши каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам Фарғона шаҳарсозликнинг замонавий ва миллий анъаналарини ўзида мужассам этган бетакрор маъмурий-маданий марказга айланишидан далолат беради.

— Фарғонада бугун улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, — дейди вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Э.Маҳкамов. — Шаҳарнинг йўл-транспорт тизимини такомиллаштириш, меъморий қиёфаси, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини янгилаш, муҳандислик ва коммунал тизимларини реконструкция ва модернизация қилиш, экологик зарарли бўлган ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатадиган саноат корхоналарини бошқа ҳудудларга кўчириш, 2012 йилда шаҳарда объектлар қурилиши, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш ишларини амалга оширишнинг аниқ манзилли рўйхати тасдиқланди.

2012 йилда шаҳарнинг катта ҳалқа ва кичик ҳалқа йўлларининг Баҳор, Нурафшон ва Оқариқ кўчалари ҳамда бошқа жойлардан ўтган қисмларини реконструкция қилиш ишлари тугалланади, Алишер Навоий кўчасини таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Шунингдек, Марғилонсой устига қурилган ўн иккита кўприкнинг барчаси реконструкция қилиниб, капитал таъмирланади, атрофи ободонлаштирилади. Иккита янги кўприк қурилади. «Ёрмозор» автовокзали фойдаланишга топширилади. 2013 йилгача минг ўринли «Санъат саройи», 500 ўринли амфитеатр қуриб битказилади. Алишер Навоий кўчасида мусиқий фаввора ишга тушади. Навоий ва Оқариқ кўчалари туташган жойда хиёбон ташкил этилади. Аҳмад Фарғоний номидаги боғ реконструкция қилинади. Тўқсондан ортиқ тураржойлар фасади янгиланади, 29 кўпқаватли уй-жой ва савдо мажмуалари қурилиши якунланади. Бир қатор мактаб, коллеж, боғча, тиббиёт муассасалари мукаммал таъмирланади. 2013 йилда 20 минг томошабинга мўлжалланган янги, замонавий стадион барпо этилади. Бундан ташқари, газ ва электр, ичимлик ва оқова суви тармоқларида катта ҳажмда реконструкция ва модернизация ишлари амалга оширилади. «Фарғона ёғ-мой», фуран бирикмалари, кимё ва газ аппаратлари заводлари шаҳар ташқарисига чиқарилади.

Шаҳарда ёшлар учун ҳам замонавий иншоотлар бунёд этилади. Жумладан, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими биноси реконструкция қилиниб, унинг базасида "Ёшлар маркази" барпо этилади. Баъзи касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар реконструкция қилинади.

Бош режага асосан, эскирган бинолар ўрнида ҳар томонлама қулайликларга эга олтмишдан зиёд янги тураржой бинолари ва савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари қад кўтаради. Кўплаб ижтимоий объектлар қурилиши, таъмирланиши кўзда тутилган.

Дастурда болалар спортини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилгани қувонарлидир. Хусусан, Қувасой кўчасида Олимпия захиралари касб-ҳунар коллежи учун ёпиқ сузиш бассейни қурилади. Алишер Навоий кўчасидаги "Дельфин" сузиш ҳавзаси капитал таъмирланади. Фарғона давлат университети, политехника институтининг ўқув, талабалар тураржой бинолари капитал таъмирланади. Фарғона политехника институти учун янги спорт зали барпо этилади.

Буларнинг барчаси Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган шарт-шароит яратиш, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар, бунёдкорлик ишларининг амалий ифодаси бўлиб, фарғоналикларга чексиз ғурур-ифтихор бағишлайди.

М. СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири

Фарғона шаҳридаги 4-болалар мусиқа ва санъат мактаби.



Орзуларимиз қанот ёзмоқда

(Боши 1-бетда.)

Дарвоқе, буюк орзуларимиздан яна бири юртимизда спорт инфратузилмасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, болаларни оммавий тарзда спортга жалб этиш, бу орқали эса халқимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом ва демократик жамиятни барпо этиш эди, десак хато бўлмайди. Мана шу эзгу мақсадларга эришиш йўлида амалга оширилган саъй-ҳаракатларнинг энг аҳамиятлиларидан бири юртимизда Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши бўлди.

Ёдингизда бўлса, бундан ўн беш-йигирма йиллар муқаддам халқаро мусобақаларда ғолиб бўлган хорижлик ўғил-қизларга ҳавас кўзи билан боқардик. Ёки телевизор орқали ривожланган мамлакатларнинг фарзандлари учун яратиб берган шароит ва имкониятлар — замонавий спорт иншоотларини кўриб, далада мол боқиб, чанги чиққан чим устида коптоқ тепаётган дилбандларимиз қачон мана шундай жойларда жисмоний тарбия билан шуғулланар экан, дея ўйга толардик...

Шу маънода Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятининг йўлга қўйилиши барчамизнинг кўнглимиздаги ишлардан бири бўлди. Орзуларимизга етишишда бизга яқиндан кўмак берди. Бунинг амалдаги ифодасини бугун юртимизнинг турли шаҳарларию олис-олис қишлоқларида бунёд этилган спорт мажмуалари, уларнинг замонавий жиҳозлар билан таъминлангани мисолида кўришимиз мумкин. Ёки спорт иншоотларида ҳеч кимдан кам бўлмаган шароитда машғулотлар олиб бораётган ўғил-қизларимиз кўзларидаги ёлқинда ҳам бунинг исботини сезиш қийин эмас.

Мамлакатимизда спортга берилаётган бундай эътиборни, бу борада амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларни бугун дунё тан олаётганини, жаҳон халқларининг ишончига сазовор бўлаётганимизни фахр-ифтихор ила айтиш зарур. Буларнинг самараси ўлароқ, кўплаб халқаро спорт ташкилотлари, федерациялари турли даражадаги мусобақа ва турнирларни юртимизда ўтказиш ташаббуси билан чиқмоқда. Натижада пойтахтимиз — Тошкент шаҳри дунё спорт марказларидан бирига айланиб бормоқда.

Яна бир фикр-Истиқлолнинг дастлабки йилларида бармоқ билан санарли чемпионларимиз бор эди. Олимпиада чемпионлари ҳақида гапириш ҳам афсонадай туюларди. Фуол жамоаларимизни кучайтириш учун катта маблағлар сарфлаш эвазига хориждан ўйинчиларни олиб келардик. Хўш, бугун-чи? Кунда бўлмаса ҳафтада, кунора қайсидир спорт тури бўйича вакилларимизнинг чемпион бўлгани ҳақида эшитамиз, кўрамиз, ўқиймиз. Ғолиб уларнинг номларини — Абдулла Тангриев, Ришод Собиров, Вадим Менько, Рустам Қосимжонов, Юлья Тарасова, Екатерина Хилько, Равшан Эрматов, Сервер Жепаров зайлида давом эттирадиган бўлсак, ишончимиз комилки, катта бир китоб бўлади. Шу ўринда юртимиз футбол мактабларида камол топган йигитларимиз жаҳоннинг кучли чемпионатларида тўп сураётганини фахр билан таъкидлашимиз жоиз. Шунингдек, жорий йил Мексикада футбол бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида терма жамоамизнинг дунёнинг манаман деган терма жамоаларига қарши муносиб ўйин намойиш этганини ҳам қўшимча қилиш мумкин.

Агар яхшилаб разм солинса, эришилаётган бундай ютуқларнинг замирида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ҳиссаси катта бўлаётгани аён бўлади. Ўтган йилда ҳам мазкур жамғарма томонидан болалар спортини ривожлантириш, янги спорт саройларини қуриш, борларини таъмирлаш борасида талайгина ишлар бажарилди. Жумладан, 2011 йилда 60 та янги спорт иншоотлари, 65 та мактаб заллари қурилган бўлса, 7 та мавжуд иншоот реконструкция қилинди, биттаси капитал таъмирланди.

Гап келганда, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан турли даражадаги тадбирлар мунтазам ўтказилиб, уларда қатнашаётган иштирокчилар сони йилдан-йилга ортиб бораётганини таъкидлаш зарур. Масалан, 2011 йилда жами 82 та мусобақа ўтказилиб, унда 12 минг 900 нафар ўқувчи иштирок этди. Бу каби мусобақаларнинг Республика Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ҳамда "Маҳалла" жамғармаси каби қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилаётгани уларнинг янада кўтаринки руҳда ўтишини таъминлаяпти.

Қисқа қилиб айтганда, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси спорт борасида орзуларимизга қанот бўлиш билан бирга, халқаро майдонлардаги муваффақиятларимизга мустаҳкам пойдевор яратишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

Фаолият

ОШИНГ ҲАЛОЛ БЎЛСА...

Халқимизда "ошинг ҳалол бўлса кўчада ич" деган нақл бор. Бугун юртимизда ҳалол йўл билан фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар бу нақлга сўзсиз қўшиладилар. Дарҳақиқат, ҳукуматимиз томонидан тадбиркорликка кенг йўл очиш, уларнинг фаолиятига ортиқча аралашувларга чек қўйиш мақсадида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Якунига етган 2011 йил давомида тадбиркорлар учун яратилган кенг имтиёз ва қулайликлар самараси ўлароқ, ушбу соҳа вакилларининг юртимиз иқтисодиётидаги улуши янада ортди. Бироқ, бу имкониятлардан самарали фойдаланиш, ўз фаолиятини мавжуд қонун талаблари асосида ривожлантириш ўрнига турли ноқонуний йўллар билан даромад орттириш пайидаги "тадбиркорлар" ҳам, афсуски, йўқ эмас.

2011 йилнинг декабрь ойида Республика Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармасининг Тошкент вилояти бўлими томонидан ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ҳамкорликда Зангиота туманидаги "Жасурбек Омад Барака" МЧЖ ҳудудида текширишлар ўтказилди. Мазкур текширишларда жамият ҳудудида фаолият кўрсатаётган 23 та тадбиркорлик субъекти Президентимизнинг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари талабларини бузган ҳолда фаолият кўрсатиб келаётгани аниқланди. Жумладан, нақд пул тушумларини банкка топширмаслик мақсадида назорат-касса машиналаридан фойдаланмаган ҳолда 702 минг 700 сўм савдо қилингани, 487 миллион 950 минг 700 сўмлик сифат сертификатисиз ва кирим ҳужжатларисиз маҳсулотлар сотиш учун савдога чиқарилгани маълум бўлди. Бундан ташқари, жамият ҳудудида 3 нафар фуқаро тегишли тартибда тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтмасдан савдо билан шуғулланиб келаётгани, улар томонидан 119 миллион 884 минг сўмлик темир-қурилиш товарлари савдога қўйилгани аниқланди.

Ўтказилган текшириш ҳужжатларига асосан 11 та тадбиркорлик субъектига нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноий ишлар қўзғатилди.

Рустам ТУРСУНБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси Тошкент вилояти бўлими бошлиғи

Истиқлолнинг мудаффар фарзандлари

Юртимизда болалар спортининг кўламдорлигини машғулотларда чиниқиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишни мақсад қилган ёш спортчилар сафи тобора ортиб бораётганида кўриб қалбингиз ифтихорга тўлади. Улар орасидан ҳали дунёга машҳур кўплаб спорт усталари чиқишига амин бўласиз. Чунки фарзандларимиз ўз тиришқоқлигини, уддабуронлигини амалда исботлаб келмоқда.

Дунё миқёсида ўтказилаётган қайси мусабақани кузатманг, унда мустақил юртимиз байроғи баландга кўтарилиб, мадҳиямиз баралла янграётганига гувоҳ бўласиз.

Таэквондо бўйича қатор халқаро турнирлар ғолиби Санжар Алимов ҳам катта мақсадлар билан спортга қадам қўйган. Қашқадарё воҳасининг Шаҳрисабз туманида вояга етган қаҳрамонимиз спорт майдонларини орзулаганида олти ёшда эди. Отаси Равшан ака Комиловнинг оилада соғлом муҳитни шакллантиришга бўлган талабчанлиги ва Санжардаги иштиёқ уни таэквондонинг ITF йўналиши бўйича нафақат мамлакатимизнинг, балки дунёнинг етакчи спортчилари сафидан ўрин эгаллашига асос бўлди. Эндигина ўн олти баҳорни қаршилаган спортчи-



нинг ўндан ортиқ мамлакатларда ўтказилган йирик халқаро мусобақаларда зафар қучгани сўзимизнинг исботидир.

Жорий йилнинг 4 апрель кунлари АҚШ Шимолий Каролина ш да таэквондонинг ITF йўлиши бўйича якунланган Америка очиқ кубогида Санжарбек битта олтин ва битта кумуш медаль соҳиби бўлди.

Ўтган ойда Россиянинг Сочи шаҳрида ташкил этилган халқаро турнирда ҳам у юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Эътиборли жиҳати шундаки, икки бор жаҳон чемпионати ғолиби Санжар Алимов "тил" ва "масоги" баҳсларида кумуш ҳамда олтин медаллар билан тақдирланди.

— Санжарни олти ёшидан курашга, ўн ёшидан бошлаб эса таэквондо бўйича машғулотларга олиб боргандик, — дейди бобоси Усмон Турсунов. — Тўғриси, спорт билан шуғулланса, мактабдаги ўқишига таъсир қилмасмикан, деб бироз хавотирга ҳам тушгандик. Аммо спорт одамни нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам баркамол этиб тарбиялашининг бугун гувоҳи бўлиб турибмиз.

Дарҳақиқат, спорт билан шуғулланган ҳеч бир инсон бировдан асло кам бўлмаган. Жисмоний тарбия билан ошно бўлган киши эса доим ҳар томонлама етук ва соғлом бўлишини эришилган муваффақиятлар кўрсатиб турибди. Бу муваффақиятлар мамлакатимизда болалар спортига берилаётган катта эътиборнинг мевасидир.

Абдуғани МАМАСОДИҚОВ

Муаммо, мулоҳаза ва мушоҳада

Мультфильмлар кимлар учун?

«Ойнаи жаҳон»да мультфильм намойиш этилмоқда. Лекин унинг томошабини — кичкинтой бошқа машғулот билан банд-у, катталар эса мультфильмни қизиқиб томоша қилишмоқда. Нега шундай? Чунки бугунги мультфильмларнинг аксарияти гўё катталар учун яратилаётгандай.



Дарҳақиқат, мультфильмлар кимлар учун яратилади? Бугун уларни кимлар томоша қилмоқда? Ўнлаб телеканалларда намойиш этилаётган мультфильмларни кўрар эканмиз, миямизда шундай саволлар чарх ураверади. Албатта, болалар учун-да, деймиз-у, яна ўйлаб қоламиз. Нега унда бу фильмлар болаларбоп эмас?

Эсингизда бўлса, бир пайтлар телевидениеда катталар учун мультфильмлар ҳам кўрсатиларди. Улар болалар ухлаган пайтларда намойиш этиларди. Шунга қарамай, уларнинг энг шармсизи ҳам ҳозирги аксарият мультфильмлардан «юмшоқроқ» эди.

Модомики, болага телевидение орқали бирор мисқол тарбия беришга киришган эканмиз, бу вазифани ҳозирча мультфильмлар адо этади. Бунинг учун уларда яхшилик, эзгулик, меҳр-оқибат, аҳиллик, саховат, меҳнатсеварлик каби фазилатлар улуғланиши, бир сўз билан айтганда, ёмонлик устидан яхшиликнинг ғалабаси тантана қилиши лозим. Аммо надоматлар бўлсинки, «ойнаи жаҳон»ни эгаллаб олган бугунги мультфильмларнинг аксариятида бундай хусусиятлар мавжуд эмас. Аксинча, зўравонлик, бир-бирини алдаш, фирибгарлик, доғулилик сингари қусур-у иллатлар тасвирланади. Бола учун зарур тарбиявий хусусиятларни улардан топа олмайсиз. Топсангиз-да, бошқа «хусусиятлар» – ахлоқсизлик, шармсизлик олдинги ўринда қизил чизиқ бўлиб ўтган бўлади. Уларда эзгулик ғолиб чиқса-да, бу болаларбоп тасвирларда эмас, катталарбоп — муҳаббат, оилавий ришталар сингари сюжетлар орқали тайёрланган бўлади. Шунинг учун ҳам бундай мультфильмларни кўпроқ катталар қизиқиб кўришади.

Шу ўринда мисолларга мурожаат қилсак. Бошқа мультфильмларни қўйиб турайлик, «Маугли», «Соҳибжамол ва махлуқ», «Қирол шер» каби энг оммабоп митти фильмларга бир назар солайлик. Уларнинг барчасида бир-бирини қучиш, бир-биридан бўса олиш, ишқ-муҳаббат изҳорлари лавҳалари тўлиб-тошиб ётибди. Бугунги кунда болалар учун энг қизиқарли бўлган «Том ва Жерри» мультфильмининг ҳар бештадан бир қисмида ҳам шундай шармсиз саҳналар бор. Қолаверса, зўравонлик, зулм, даҳшатли лавҳалар тасвирлари бисёр уларда.

— Кичкина неварам билан мультфильм кўриб ўтирганидим, — дейди Андижон шаҳридаги 34-мактабгача муассаса мудираси Гулчеҳрахон Муҳиддинова. — Бир пайт унда бош қаҳрамон — йигит қиз томон интилиб қолди. Шунда неварам қўллари билан юзкўзини тўсиб олди. Кўравермайсанми, бу мультфильм-ку, дедим уни синаш учун. У эса, «Йўқ, уят бўлади», деди. Албатта тарбия яхши йўлга қўйилган оиладаги бола бундай ҳолларда ўзи тўғри хулоса чиқариб олади-я, аммо...

Албатта, ёт ғоя инсон миясининг, фикрининг, тафаккурининг, хуллас, ҳаётининг бўш жойини мўлжалга олади ва унга жойлашади. Зеро, бугун болаларбоп, менталитетимизга мос миллий мультфильмларга эҳтиёж катта экан, «Ўзбекфильм»нинг болалар учун ишлаётган студияларига катта масъулият тушади.

«...Мустақиллик йилларида «Ўзбекфильм» киностудияси томонидан саксондан ортиқ мультфильм ишлаб чиқарилди...» деб ёзади ЎзА мухбири Анвар Самадов «Мультфильм – митти, вазифаси — катта» («Маънавият» газетаси, 10-сон, 21 май, 2011 йил) мақоласида. Мустақиллик йиллари, яъни 20 йилни ҳисобга олсак, йилига бор-йўғи 4 тадан мультфильм тўғри келмоқда. Уларни саралаб олсак-чи? Бундай ҳолатда телеканалларни, албатта, юзлаб ўзга юрт мультфильмлари эгаллаб олади-да.

— Кузатишларимга асосан айтишим мумкинки, болалар барибир ўзимизнинг миллий мультфильмларни қизиқиброқ кўришади, — дея сўзида давом этади Гулчеҳра опа. — Ўша «Зумрад ва Қиммат», «Ур тўқмоқ», олтин тарвуз ҳақидаги мультфильмларни. Аммо улар жуда оз-да. Назаримда, ҳозир тансиқроқ бўлиб кетаётган меҳр-оқибат, аҳилликни улуғловчи мультфильмларни кўпроқ яратиш керак. Болаларни кузатсам, улар орасида ўзини ўйловчи, қизғанчиқ, бировни хушламайдиганлари учраб қолади. Ана шундай — ёмон муҳитда ўсаётган болаларни тарбияловчи фильмлар жуда зарур...

Юртбошимиз Ислом Каримов ўзининг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида «Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафақат айрим ота-оналар, балки бутун жамият учун жуда қимматга тушишини ҳам кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин...» дея бежиз таъкидламаган. Демак, бу борада ҳаммага бирдек юксак вазифа юкланмоқда.

Мультфильмларга мавзу танлашда кичкинтойлар оламига «сайр этиш» ёхуд шу оламни пухта биладиган руҳшунос-педагоглар билан маслаҳатлашиш фойдадан холи бўлмасди. Шу ўринда хориж кинематографчилари томонидан ишланган «Катта» («Большой») фильмини эслаб ўтишни жоиз деб билдим. Катталар оламига интилиб яшаган киноасар қаҳрамони – ёш бола сеҳрли бир куч орқали катта бўлиб қолади. Аммо унинг онги, дунёқараши ёш боланикилигича қолади. Бу эса ўйинчоқ ишлаб чиқарувчи корхонада асқотади. Унинг болаларча маслаҳатлари билан корхона гуркираб ривожланади. Шу нуқтаи назардан олиб қарасак, мультфильмлар яратувчилар ҳам кичкинтойлар оламини яхши англайдиган мутахассислар билан ҳамкорликда ишлашлари соҳага сифат ривожини берармиди?!

Бундан ташқари, мультфильмларнинг ҳаётийлигига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Ҳаётда зараркунанда, нохуш кайфият уйғотадиган паррандаю даррандаларнинг образларини идеаллаштиришдан йироқ бўлмоқ лозим. Аксинча, инсонларга дўст бўлувчи, ёрдам берувчи ҳайвонлар образлари ижобий қаҳрамонлар даражасига кўтарилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу борада мультфильм ишлаб чиқарувчи кинематографчиларга мувaффақиятлар, митти фильмларни хориж тилидан ўгириб, телеканаллар учун тайёрлаётган мутасаддиларга эса, бу борада ўқиллик, баланд савияли тутум тилаб қоламиз.

Восит АҲМАТХОНОВ

Таклиф

Китобларга дўкон бўлса...

Улуғларнинг номи ҳамиша эъзозда. Буюк бобокалонимиз, ўзбек шеъриятининг султони Алишер Навоий ҳазратларининг мангу сўнмас ижоди бутун элларни, дилхуш кўнгилларни забт этган. Ул зотнинг муборак номлари билан аталувчи шоҳ кўча пойтахт Тошкентга зеб бериб турибди. Яқинда бу кўчада Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан шундай бир кошона — "Маърифат маркази" қад ростладики, бундай гўзал бинонинг яқин ва узоқ мамлакатларда тенги йўқ.

Истиқлол туфайли кундан-кунга яшараётган шаҳримизнинг ушбу кўчасида бир қатор ҳомийлар сармояси асосида кўп қаватли турар жой бинолари ҳам қад ростламоқда. Бир-биридан чиройли ва хушбичим уйлар ҳадемай кўплаб оилаларни ўз бағрига олади. Ана шу уйларнинг биринчи қаватлари савдо шохобчаларига мўлжалланган.

Бу мўътабар кўчанинг мазмун-моҳиятидан ҳамда улуғ шоиримизнинг эзгу-мақсадларидан келиб чиққан ҳолда дилимизда бир таклиф пайдо бўлди. У ҳам бўлса, кўплаб оилаларга бошпана бўладиган ушбу кўп қаватли уйларнинг биринчи қаватларидаги савдо шохобчалари қаторидан китоб дўконлари ҳам ўрин олади, деган умиддир.

Халқимиз доим илму зиёга интилиб яшаган. Тасаввур қилинг, муҳташам, ўзига хос меъморий ечимга эга бўлган мазкур турар жой иншоотларининг биринчи қаватларида "Ўзбекистон", "Чўлпон", "Ўқитувчи" ҳамда Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйлари, "Маънавият" нашриёти, "Шарқ" нашриёт-матбаа компаниясининг махсус китоб дўконлари ўз маҳсулотларини китобхонларга ҳавола этиб турса, китобсеварларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқарди. Чунки пойтахтимизда замонавий талаблар даражасидаги йирик китоб дўконларига эҳтиёж бор.

Бу таклиф амалга ошса, маънавият ва маърифатни ривожлантириш йўлида янада дадил қадам қўйилибгина қолмай, балки улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий номи билан аталадиган муҳташам кўча файзига файз қўшилар, алломанинг ўлмас меросидан ихлосмандларни баҳраманд этишда ажойиб уйғунлик ўз мужассамини топган бўларди. Зеро, Юртбошимиз ўзининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида алоҳида тилга олганларидек: "Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир".

Жаббор РАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Таҳририят почтасидан

«Асрар ғанимлардан Ватаннинг меҳри»

Тинч ва осуда ҳаёт кечиришимизда Ватан ҳимояси учун хизмат қилаётган аскарларнинг ўрни беқиёс. Биз доимо ҳарбий соҳада фаолият юритувчи юртдошларимизга, вақти келиб, армия хизматларини адо этишга отланган тенгдошларимизга, ўз юртини асраб-авайлашга тайёр жасур ва мард йигитларимизга ҳавас билан қараймиз. қалбимизда фахр ва ифтихор туйғуси мавж уради.

Мен яқинда "Келажак овози-2011" кўрик танловининг "Назм" йўналиши бўйича республика босқичи ғолиби Меҳриноз Аббосова билан суҳбатлашиб қолдим. Унинг ўз акасига бўлган чексиз ҳурмати, соғинчини ҳис этиб, бу ҳақда ёзишга қарор қилдим. Зеро, Меҳриноз-нинг қалбидаги ифтихор, соғинч ҳислари ўз яқинларини, жигарларини ҳарбий хизматга кузатган инсонлар учун бегона бўлмаса керак.

— Мен Меҳриноз Аббосова Наманган давлат университети қошидаги академик лицейининг 1-босқич талабасиман. Кичик акам, оддий аскар Азизбек Аббосов ҳозирда Сурхондарё вилояти, Сариосиё туманидаги махсус-чегара қўшинида хизмат бурчини ўтамокда. Тўғрисини айтсам, акам ёшлигидан жуда камгап, жиддий йигит эди. Ҳарбий хизматга кетганларидан сўнг, бир ой ўтиб бизга мактуб жўнатдилар. Ўз қўли билан ёзилган мактубда инсоннинг кўнгил кечинмалари акс этади. Хат — қалбнинг кўзгуси, деб бежиз айтишмас экан. Биз акамнинг мактубларини ўқиб, ҳайрон қолдик. Улар ҳарбий хизматга кетаётганларида биз жуда ҳам хавотирлангандик, мен ҳам ўз оиласидан узокда яшаб, қийналиб қолмасмикан, деб ҳадиксирагандим. Лекин акам ўз мактубларида чексиз соғинчларини чиройли мисралар билан ифодалаб, Армия — чинакам ҳаёт мактаби эканлигини, халқимизга муносиб фарзанд бўлиб тарбияланишларида ҳарбий хизматнинг ўрни катталигини ва келажакда шу соҳада фаолият олиб боришни ўз олдига улкан мақсад қилиб қўйганлигини таъкидлаб ўтганлар. Хатни ўқиб бўлгач, кўнгим таскин топиб, юртини, она-заминини, оиласини, яқинларини, қолаверса, ўз синглисини ҳар қадамда ҳимоя қила оладиган акам борлигидан фахрландим.

Ўйланиб хаёллар сураман аста,
Ака, мардлигингиз сири нимада?!
Ёки сизга ёрми пайғамбар сеҳри?...
Чегарада посбон, акам айтарлар:
"Асрар ғанимлардан Ватаннинг меҳри..."

Меҳринознинг акасига атаб ёзган шеърида унинг чексиз сингиллик муҳаббати, соғинчи акс этган. Ва шу ўринда акаси ҳам Ватанга бўлган садоқати, унинг ўз волидасидек табаррук ва бебаҳо эканлигини таъсирчан мисралар ила ифодалагани ҳар бир юртдошимиз қалбида ватанпарварлик ҳиссини уйғотса, ажаб эмас.

Халқимизда "Оиланг тинч бўлса, ишингда унум бўлади" деган ҳикмат бор. Шундай экан, аҳоли фаровонлиги ва давлат тараққиётининг муҳим гарови бўлган тинчлик, осойишталик ва хавфсизликни, сарҳадларимиз даҳлсизлигини ҳимоя қилишдек шарафли вазифани ўз зиммасига олган аскар акаларимизга мустаҳкам соғлиқ, сўнмас ирода ва куч-ғайрат тилаймиз.

Феруза АЛИҚУЛОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Лавҳамиз қаҳрамонларини бирлаштириб турган туйғунинг номи дўстликдир. Ҳаёт синовларидан ўтган бу оқибат уларнинг ҳаёти мазмунига айланган. Бинобарин, дўстликни қадрлаш, унга суяниш фақат халқимизгагина хос фазилатдир. Дўстлик — бағрикенгликнинг чинакам намунасидир.

Ибрат

Умрбоқий ришта

Бугунги кунда маҳалла-кўйнинг файзига айланган бу отахонлар деярли қирқ йил бир жойда бирга ишлашган, касбининг барча аччиқ-чучугини бирга тотишган чин маънодаги ҳамкасблардир. Ўсарали Нишонов, Сайдулла Ҳусниддинов, Ҳаким Қорабоев ва Жаҳонгир Пирмуҳаммедовларнинг нафақат иш фаолияти, балки ҳаёти ҳам бир-бирларига боғлиқ.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида таҳсил олган Ўсарали Нишонов узоқ вақт ҳозирги "Ўқитувчи" нашриёт-матбаа ижод уйида катта-кичик турли лавозимларда хизмат қилди. Ўзининг билимдонлиги, ҳаракатчанлиги билан ижодий жамоа орасида обрў-эътибор қозонди. Ноширлик фаолияти билан бир қаторда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Нормурод Нарзуллаев ва бошқа шоирларнинг ижоди ҳақида туркум мақолалар ёзди. Айниқса, унинг Иккинчи жаҳон уруши йиллари болаларининг бошидан кечирган машаққатли ҳаёти акс эттирилган "Тўқайга ўт кетса" қиссаси китобхонларга манзур бўлди. Ўсарали ака ҳозир ҳам ўзининг тарбиявий аҳамиятга молик ўгитлари, таклиф ва мулоҳазалари баён этилган мақолалари билан вақтли матбуотда фаол қатнашиб келади.

Дарвоқе, Ўсарали Нишоновнинг оиласини "олимлар оиласи" дейишганича бор. Турмуш ўртоғи Санобар опа Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг профессори, қизи Наргиза педагогика фанлари номзоди. Чинакам ибратли оила.

Ҳаёт лаззатини меҳнатдан олган отахонлар бўш вақтларини беҳуда ўтказишмайди. Баъзан оила аъзолари, дўсту ёрлар жамлашиб, ўлкамизнинг турли шаҳарларига, баҳаво масканларига саёҳат қилишади.

Нашриётнинг "Педагогика адабиёти" таҳририятида кўп йиллар самарали меҳнат қилган Сайдулла Ҳусниддиновнинг ҳаёт йўли ҳам мазмунли. Ҳозирги кунда бу заҳматкаш инсон жуфти ҳалоли Арофатхон ая, ўғли ва невараларини ёнига олиб, ҳовлисидаги иссиқхонада турли-туман сабзавот экинларини етиштириш билан машғул. Оила, маҳалла-кўйдаги тадбирларда бош-қош. Бўш пайтларда эса Сайдулла ака қўли гул пазанда эканлигини дўстларига намойиш этиб, таҳсинларини олади.

Пири бадавлат отахонларнинг яна бири Ҳаким Қорабоевдир. Техника йўналишидаги маълумотига қарамай узоқ вақт ноширлик қилди. Шунинг баробарида "Материаллар қаршилиги" фанидан ўзи таҳсил олган институтда талабаларга дарс берди.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, педагогликда салмоқли тажриба орттирган Ҳаким Қорабоев "Материаллар қаршилигидан лаборатория ишлари" ўқув қўлланмаси муаллифидир.

Айрим одамлар нафақага чиққач, ўзларини қўярга жой топа олмай қолади, дейишади. Ҳаким ака Қорабоев эса ундайлардан эмас. 1997 йили нафақага чиққач, шаҳарга яқин Чингелди қишлоғига оиласи билан кўчиб ўтиб, ҳовлисига иссиқхона қурди. "Деҳқон бобо" нинг оилавий тадбиркорлиги бир томондан рўзғорига барака киритган бўлса, иккинчи томондан севимли машғулотига айланди. Турмуш ўртоғи Шарифа ая, ўғли Бахтиёр у кишининг яқин кўмакчилари. Бу оиладаги бугунги роҳат-фароғатли ҳаётни кўриб, ҳавасинг келади.

Жаҳонгир Пирмуҳаммедовнинг ижодий фаолияти ҳам сафдошлариникига хос. Институтни битириб, заводда муҳандис бўлиб ишлади. Тўрт йил давомида Ўзбекистон Фанлар академиясида "Техника" бўлимини бошқарди. Кейинчалик болалигидаги журналист бўлиш орзуси амалга ошиб, "Ўқитувчи" нашриётидаги "Ҳунар-техника адабиёти" таҳририятига муҳаррир бўлиб ишга кирди. Тажрибали ноширлар кўмагида иштиёқ билан иш ўрганди, маҳоратини оширди. Нашриётдаги йигирма йиллик иш фаолияти давомида йигирмадан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмаларини ўзбек тилига таржима қилди. 1994 йили нафақага чиққач, "Алломалар ҳақида ҳангомалар", "Тўқилмаган ҳангомалар", "Қалтис ҳазил", "Ҳаётий ҳикоялар" каби китобларнинг муаллифи сифатида мухлислар орттирди.

Ёшлари саксонни қоралаб бораётган бу тўрт ҳамкасб отахонлар ҳанузгача бир-бирига сим қоқиб, соғинганларида дийдорлашиб туришни канда қилишмайди.

Аслида, ҳаётнинг ўзи катта бир мактаб. Бугун сермазмун кексалик гаштини сураётган бу отахонларнинг умр йўллари ёшларга ибрат. Зеро, замирига буюк ҳикматни жо этган бу улуғ ришта умрбоқийдир.

Давронбек ОРИПОВ,
"Hurriyat" мухбири

Имкониятлар кўлами ошмоқда

Янги йил арафасида муҳтарам Президентимизнинг "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги қарорининг матбуотда эълон қилиниши, барча соҳа ходимларига, жумладан, нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган журналистларга ҳам ўзига хос байрам совғаси бўлди, десам янглишмаган бўламан.

Қарорда ОАВга солиқ ва бошқа турдаги мажбурий ажратмаларни тўлашида қатор имтиёзлар берилишининг белгиланган соҳа тараққиётини янги босқичга кўтаришга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга оширишда муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, мамлакатни демократия асосида янгилаш ва модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни бевосита оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши ҳамда фаол иштироки билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик Палатасининг 2010 йил 12 ноябрь куни ҳамда 2011 йил 14 январь куни бўлиб ўтган қўшма йиғилишларида мамлакат ва жамиятимизни ривожлантириш борасида олдинда турган мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаб бердилар.

Хусусан, "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"даги белгиланган стратегик вазифаларни амалга татбиқ этиш бўйича мамлакатимиз раҳбарининг Фармойишлари эълон қилинди.

Президентимизнинг №3560-сонли Фармойиши айнан оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштириш, соҳага оид қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, журналистларнинг муносиб фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилгани бугунги кунда мамлакатимизда ОАВнинг ривожланишига алоҳида эътибор берилаётганидан далолат беради.

Фармойишда кўрсатилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий Ассоциацияси қошида махсус ишчи гуруҳ тузилган бўлиб, ўтган давр мобайнида у самарали фаолият олиб борди. Ушбу гуруҳ Фармойиш бўйича ишлаб чиқилаётган қонунлар лойиҳаларини ўрганиб чиқиш, улар бўйича Ассоциация таклифларини бериш юзасидан муайян ишларни олиб борди. Фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, якунда қатор таклифлар ишлаб чиқилди ва Эксперт гуруҳларига юборилди.

Юртбошимиз ўз маърузаларида оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, телерадиотизимини янада ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини мустаҳкамлаш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтириш механизмларини яратиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтдилар.

2011 йил декабрь ойининг сўнгги кунларида ўтказилган медиа-кунлар давомида нодавлат телерадиостанциялар ижодий ходимлари, раҳбарлари иштирокида ОАВ соҳасига оид ишлаб чиқилаётган қонунлар ижодкорлари билан учрашув ўтказилди. Ушбу давра суҳбатининг баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтгани ҳам бугунги кун журналистининг қонунларни яхши ўзлаштирганини кўрсатади.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар жараёнида юртимиздаги барча оммавий ахборот воситалари қатори Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий Ассоциациясига аъзо юздан ортиқ нодавлат телерадиостанциялар ҳам фаол иштирок этмоқда. Ўтган 2011 йил мобайнида ЎзЭОАВМАга аъзо телерадиостанциялар, NTT телетармоғи, NRT радиотармоғи ва мамлакатимиздаги биринчи нодавлат сунъий йўлдош телеканали "Forum-TV" эфирлари орқали таҳлилий-маърифий кўрсатув ва эшиттиришларга кенг ўрин берилиб, муайян муаммоли масалаларни жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқиш, фуқароларнинг, хусусан, ёшларнинг турли ташаббусларини амалга оширишга тўсиқ бўлаётган иллатларни, уларнинг муаммоларини дадил кўтариб чиқишга ҳаракат қилинди. Бу чиқишлар кўп ҳолларда ҳокимият органларининг эътиборини ушбу муаммоларни ечишга қаратиш учун ўзига хос восита бўлди, десак янглишмаймиз. Турли мавзудаги маърифий теледастурлар, ток-шоулар, мунозаралар ташкил этилди, теле ва радио дастурларда замонамизнинг қаҳрамонлари ҳаёти ва фаолияти ёритилди, "меҳр-мурувват" тушунчасини, соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи видео, аудироликлар тайёрланиб, эфирга узатилди. Айни пайтда телемаҳсулотларни тайёрлаш жараёнида, энг аввало, уларнинг миллий манфаатларимизга, томошабин ва тингловчилар эҳтиёжларига мос келишига, воқеа-ҳодисаларни холис акс эттиришга, ранг-баранг мавзулар, жанрлар ва янгиликларни қамраб олишга, уларда сўз ва тасвир ҳолислигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, мамлакатимиз аҳолисини жаҳонда ва диёримизда юз бераётган воқеалар, республикамизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар мазмун-моҳияти билан мунтазам таништириб бориш, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти фаолиятининг кенгроқ ёритилиши таъминланди ва бу жараён жорий йилда ҳам изчиллик билан давом эттирилади.

Ўтган йили ЎзНТТ, Forum TV, ЎзЭОАВМА Ахборот маркази, Ёшлар телестудияси, "Янги авлод" болалар студияси ҳамда НРТ фаолият олиб бораётган бино — "Бунёдкор" телекомплексида янги, замонавий дизайн асосида қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, ижодий ва техник ходимлар учун янги рақамли техник ускуналар, замонавий тасвирга олиш студиялари фойдаланишга топширилди. Улар эндиликда янада қулай шароитларда ижод қилишлари мумкин. Замонавий бинолар, энг сўнгги русумдаги рақамли техникалар ҳақида сўз кетар экан, ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошида ертўлада иш олиб борганимиз, турли қийинчиликларга дуч келганимизни эсламасдан иложим йўқ. Мустақиллик, хусусан, давлатимиз раҳбарининг шахсан кўмаклари ёрдамида бугун эркин фаолият олиб боришимизга замин яратилмоқда.

Ассоциация томонидан турли саналар доирасида медиа-кунларни ташкил қилиш ҳамда бу орқали нодавлат телерадиостанциялар ижодий ва техник ходимларининг касбий малакасини ошириш анъанага айланиб бормоқда. Ўтган 2011 йилда ҳам 3-май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни муносабати билан ташкил қилинган медиа-кунлар доирасида Ўзбекистондаги АҚШ элчихонаси ҳамкорлигида таниқли мутахассис Жон Хазард иштирокида ўтказилган техник семинар-тренинг, К.Аденауэр жамғармаси бошқаруви аъзоси Беттина Аденауэр Биберштайн ҳамда машҳур публицист Штефан Граф Финк фон Финкенштейнлар иштирокида ташкил этилган "ЎзОАВМАнинг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш ҳамда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш борасида халқаро институтлар билан ҳамкорлиги" мавзуидаги давра суҳбати самарали кечганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Энг асосийси, уларнинг бой тажрибалари билан танишиш, ўрганиш имкониятига эга бўлдик.

2011 йил жамоамиз учун улкан ютуқларга бой бўлди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Атиргул" республика кўрик-танловида ЎзЭОАВМА вакилларидан "Forum TV" мухбири Полина Комлева асосий йўналишда ғолиб бўлган бўлса, Муқаддас Фаёзова рағбатлантирувчи ўринга лойиқ деб топилди. Адлия вазирлиги ўтказган "Йилнинг энг фаол ҳуқуқ тарғиботчиси" танловида эса НТТ телеканали "Ҳуқуқий тарғиботни ташкил этишдаги яқин ҳамкорлиги учун" номинацияси ғолиби деб топилди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан ўтказилган "ICT-EXPO-2011" кўргазмасининг энг яхши ахборот ҳамкори сифатида НТТ телеканали эътироф этилди. Журналистика соҳасида олтинчи марта ўтказилган "Олтин қалам" миллий мукофоти учун халқаро танловда "Истиқлол ТВ" бош муҳаррири Зилола Худойқулова телевидение йўналишида, "Водий садоси" радиостанцияси бош муҳаррири Елена Петрусеевич эса радио йўналишида иккинчи ўринга муносиб деб топилгани ҳамда ЎзЭОАВМАнинг "Озод юрт тўлқинлари" медиа-фестивали лойиҳаси бош мукофотга лойиқ кўрилгани барчамизни янгича ишлашга, халқимизга янада яқинроқ бўлишга ундади ва бунинг учун имкон қадар ҳаракат қилиб келаяпмиз. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, "Озод юрт тўлқинлари" медиафестивали учун ажратилган мукофот маблағи Ассоциация тизимида энг фаол иш олиб бораётган ижодий ва техник ходимлар ўртасида тенг тақсимланди. Албатта, бу каби танловлар ижодкорларга қўшимча куч ва рағбат вазифасини ўтайди.

Энг азиз, энг қутлуғ байрамимиз — Мустақиллигимизнинг шонли 20 йиллиги арафасида Президентимиз томонидан "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" юксак унвони билан тақдирланишим нафақат 2011 йил, балки ҳаётимдаги энг унутилмас воқеалардан бири бўлди. Шу юртда туғилганим, шу соҳани танлаб адашмаганим учун кўнглимда чексиз мамнунлик ҳиссини туйдим.

Эришилаётган ютуқлар ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган қулай шарт-шароит, эътибор, қолаверса, қабул қилинаётган соҳага оид қонунчилик ҳужжатларининг самарасидир.

Албатта, бу ютуқлар бизники. Бироқ шуни тан олиб айтиш керакки, айрим ҳудудий телерадиостанциялар фаолияти ўрганиб чиқилганда уларнинг ўз дастурий вазифаларини амалга оширишда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилаётгани кўзга ташланмоқда. Бу ҳолатлар асосан телерадиодастурларнинг савияси, кадрлар салоҳияти, узатиш тизими сифати ва моддий-техник базасининг кучсизлиги билан боғлиқ. Албатта, иш бор жойда камчиликлар ҳам бўлади. Лекин бугун шиддат билан ривожланиб бораётган, ҳар дақиқа, қолаверса, ҳар сонияда янгиланаётган замонда жамият ҳаётининг кўзгуси бўлган оммавий ахборот воситалари инсонларни тараққиёт сари илдам чорлайдиган восита эканлигини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Шунинг учун фаолиятимизда учраётган ушбу камчиликларни бартараф қилишда жамоатчиликни ҳамкорликка чақираман. Чунки бизнинг мақсадимиз битта. Бу ҳам бўлса Президентимиз олға сурган фаол фуқаролик позициясини тарғиб этиш, миллий медиа-макон савияси ва даражасини янада юксалтиришдан иборат.

Ўрни келганда, яқин ҳамкорларимиз саналган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар икки палатаси, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва унинг таркибидаги ташкилотлар, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Журналистлар Ижодий уюшмаси каби кўпгина давлат, жамоат ва нодавлат ташкилотларнинг ҳам ўрни беқиёс бўлганини алоҳида таъкидлашим лозим. Улар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз моҳият эътибори билан ягона мақсадга — мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшишга, пировардида, ОАВ ходимларининг ижодий салоҳиятини замон талаблари даражасига кўтаришга қаратилмоқда. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг эътибори ҳамда беқиёс ғамхўрлиги ва Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва Парламент комиссиясининг грант, ижтимоий буюртма ва субсидия маблағлари кўринишидаги молиявий кўмаги фаолиятимизнинг серқирра бўлишида, имкониятларимиз кўламининг ошишида муҳим омил бўлмоқда. Ўйлайманки, эндигина эшик қоқиб кирган 2012 йил ҳам бундан-да самарали ва хайрли кечади.

Зотан, Президентимиз таъбири билан айтганда, "Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини яхши тасаввур этамиз".

Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ,
ЎзЭОАВМА бошқаруви раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Тажриба

Кадрлар салоҳиятини юксалтириш йўлида

Бугунги кунда республикамизнинг ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, ҳокимликлар, сиёсий партиялар ва бошқа ташкилотлар ўз газеталари, теле-радиостудиялари, ахборот хизматларига эга. Аксарият ҳолларда журналистика факультетларини тамомлаган ёш кадрлар пойтахтда нашр этиладиган ОАВда ишлашга интилишади. Табиийки, бу ҳол жойларда журналист-кадрларга бўлган эҳтиёжни оширади. Шу масалани ўрганиш мақсадида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети профессор-ўқитувчилари факультетда таҳсил олган кадрларнинг жойларда қай даражада фаолият кўрсатаётганлигини ўрганиш учун турли вилоятларга хизмат сафарларига юборилмоқда. Навоий вилоятида бўлганимизда у ерда жами 39 та ОАВ, жумладан, 5 та телевидение, 31 та газета ва 3 та журнал таҳририятлари фаолият кўрсатаётгани, ҳамкасбларимиз фаолияти самарали бўлиши учун барча қулайликларга эга иншоотлар бунёд этилганини кўриб қувондик. Жумладан, 2009-2010 йиллар давомида барпо этилган вилоят телерадиокомпаниясининг биноси,."Матбуот уйи" энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланибди. Лизинг асосида келтирилган 4 рангда соатига 30 минг нусхагача газеталарни чоп этиш қувватига эга "Импакта" русумли янги матбаа линияси ишга туширилибди. 365 минг АҚШ доллари қийматига эга бўлган бу замонавий босмахона воситаси нашр этилаётган газета ва журналларнинг сифати замон талабларига мос равишда бўлишини таъминламоқда. Шунга яраша сермазмун, юксак савияли, замон билан ҳамнафас, турли мавзудаги материалларнинг ёритилиши натижасида даврий нашрлар адади тобора ошиб бормоқда. Жумладан, ўтган йилда вилоят ҳокимлигининг "Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружбы" газеталари 52 минг нусхада, "Қизилтепа тонги", "Золотая долина" газеталари 10 минг нусхадан нашр этилди.

Вилоят "Фазо" телевидениеси фаолиятини янада такомиллаштириш учун 500 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилган. Бу телевидение ҳузурида "Ёш журналистлар" тўгараклари ташкил этилиб, кўплаб иқтидорли ёшлар камол топишлари учун алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳар йили иқтидорли ва истеъдодли ёш ижодкорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида вилоятда "Энг ёш журналист" кўрик-танлови ўтказилиб, ўндан ортиқ номинациялар бўйича танлов ғолиблари ва совриндорлари ноутбук, компьютер, фотоаппарат, видеокамера каби қимматбаҳо асбоб-анжомлар билан тақдирланмоқда. Вилоят журналистларининг жамиятдаги ролини ва фаол иштирокини ошириш, улар меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида махсус жамғарма ташкил этилган. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизматидан олинган маълумотда қайд этилишича, маҳаллий таҳририятларда зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида келгусида ҳар бир туман ва шаҳар газеталари таҳририяти учун замонавий бинолар қуриш, реконструкция қилиш, шунингдек, вилоятга энг замонавий китоб чиқариш матбаа технологиясини олиб келиш, "Ижодкорлар боғи"ни барпо этиш режалаштирилган. Айни пайтда соҳага доир талай долзарб муаммолар ҳам мавжуд. Яъни, айрим нодавлат даврий нашрлар моддий-техник таъминоти талаб даражасида эмаслиги ва бунинг натижасида ўз обуначилари олдида мажбуриятларини бажаролмай қолиш ҳоллари учраб тургани ачинарли ҳол.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишда журналист масъулияти, жамоатчиликка тезкор, холис ва ҳаққоний ахборот етказишда журналистик ихтисослашув масалалари назариётчиларни ҳам, амалиётчиларни ҳам бирдек қизиқтиради. Навоий вилоят "Матбуот уйи"да маҳаллий ОАВ вакиллари билан ўтказилган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди.

Абдумажид Жўраев, вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи, давра суҳбати иштирокчиси:

— Вилоятимиздан етишиб чиқаётган ёш истеъдод соҳибларини журналистика факультетига ўқишга юбориш, сўнг талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиётини мазкур таҳририятларда ўтказиш, пировардида, уларни иш билан таъминлаш борасидаги ўзаро ҳамкорлик келгусида ўз самарасини бериши аниқ.

Бугунги кунда вилоят таҳририятларида ахборот хизматларини ташкил этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда ҳудуддаги 170 дан зиёд ташкилотларда ахборот хизматлари ташкил этиляпти.

Ольга Сашина, вилоят "Дўстлик байроғи" ва "Знамя дружбы" газеталари бош муҳаррири, иштирокчи:

— Ҳар бир соҳани етук, малакали кадрлар ривожлантиришга қодир. ЎзМУ журналистика факультетини турли йилларда тамомлаб келган Феруза Кубарева, Зебо Қутлиева, Нигора Рўзиева, Зулфия Бобоева, Отабек Аслонов, Салима Умарова, Дилфуза Ғуломова каби ўткир қалам соҳиблари икки тилда чоп этиладиган вилоят газеталаримиз янада сермазмун чиқиши учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Улар таълим муассасаларда олган билимларини амалиёт жараёнида, тажрибали журналистлар кўмагида шу ерда мустаҳкамламоқда.

Холбиби Сафарова, "Дўстлик байроғи" газетаси мухбири:

— Таҳририятимиз қошида ташкил этилган "Ниҳол" тўгарагининг ўнлаб ёш истеъдод соҳиблари келгусида ЎзМУ журналистика факультетида таҳсил олиш орзусидалар. Умид қиламизки, тўгарагимиз аъзолари ниятига эришгач, яна вилоятимиз таҳририятларига қайтиб келадилар... Қарс икки қўлдан, деганларидек, тажрибали қалам соҳиблари жойларда бўлиб, ёш истеъдодлар билан юзма-юз мулоқот ўтказсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Давра суҳбатида журналистика факультети ва вилоят ОАВ ходимлари ҳамкорлигини мунтазам йўлга қўйиш ҳамда биргаликда амалга ошириш зарур бўлган масалаларни ижобий ҳал этиш борасида вазифалар белгилаб олинди.

Тўлқин ЭШБЕК,
ЎзМУ журналистика факультети декани ўринбосари

Тадбир

Учинчи сектор ривожи — тараққиётнинг муҳим омили

Юртбошимиз "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да таъкидлаганларидек, "Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда".

Шак-шубҳасиз, Истиқлолнинг кейинги ўн йиллик даври юртимизда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди. Мамлакатимизда барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотларга қаратилаётган эътибор уларнинг соҳа ишидаги фаоллиги ва ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилаётгани, шубҳасиз, ҳар бир инсонда ғурур ва ифтихор туйғусини уйғотади. Бу ҳақда ўтган йилнинг сўнгги кунларида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган "Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва роли" мавзуидаги давра суҳбатида ҳам кенг фикр алмашилди.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида ННТ фаолиятини ривожлантириш, уларнинг ОАВ билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон ННТни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан "ННТ ижтимоий шериклигининг энг яхши намунаси", "ННТнинг ижтимоий шериклик намунасини ёритувчи энг яхши мақола" танловлари эълон қилинган эди.

Яқинда Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши Ўқув марказида мазкур танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда тадбир ташкилотчилари, Сенат аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, Камолот ЁИҲ, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

— Танловларга журналистлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари томонидан юздан ортиқ материаллар келиб тушди, — деди ЎзННТМА Кенгаши раиси А.Каримов. — Улар ҳайъат аъзолари томонидан ННТни фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари билан соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш ва шу каби катта ижтимоий масалаларни ечишга йўналтирилган давлат дастурлари ижросини таъминлашдаги самарали ижтимоий ҳамкорлигини аниқлаш ва оммалаштириш, бунда ОАВнинг, ўрни, уларда ёритилган материалларнинг сифати ва савияси каби мезонларга кўра баҳоланди. Ўз навбатида, улар "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишида ҳамда ННТнинг самарали тажрибаларини ёритиш бўйича ОАВ фаолиятини янада жонлантириш, жамоатчилик фикрини шакллантиришга салмоқли ҳисса қўшди.

Ҳайъат аъзоларининг қарорига кўра, "ННТ ижтимоий шериклигининг энг яхши намунаси" танловида биринчи ўринга — Тошкент иссиқлик электр станцияси касаба уюшмаси қўмитаси, иккинчи ўринга Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент вилояти Ангрен шаҳар бирлашган қўмитаси, учинчи ўринга Фарғона туманидаги "Башорат" ижтимоий мослашув маркази сазовор бўлди.

"ННТнинг ижтимоий шериклик намунасини ёритувчи энг яхши мақола" танловида эса, биринчи ўринга "Hurriyat", иккинчи ўринга "Жамият" газетаси таҳририяти, учинчи ўринга Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази муносиб деб топилди.

— ННТ ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тадбиркорлик субъектлари билан ижтимоий шериклик тажрибаларини кенг жамоатчиликка тарғиб этиш ва оммалаштиришда ОАВнинг ўрни бениҳоя юқори, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Танзила Норбоева. — Шу боис бундай танловларни мунтазам ўтказиб бориш икки томон учун ҳам ҳар жиҳатдан фойдалидир.

— Мамлакатимизда учинчи секторнинг давлат дастурларини бажаришда ўзига хос ўрни ва масъулияти йилдан-йилга ортиб бормоқда, — дейди танлов ғолибларидан бири, "Жамият" газетаси бош муҳаррири С.Раупов. — Бугунги ғолиблик бизни соҳани янада кенгроқ ва кўпроқ ёритишга ундайди.

Шунингдек, тадбирда сўз олган Сенат аъзоси Х.Шодиева, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди бошқаруви аъзоси Р.Охунов ва бошқа иштирокчилар мамлакатимиз тараққиётида ННТнинг ўрни, Концепцияда кўзда тутилган ташаббусларни ҳаётга татбиқ этишда ОАВ иштироки ва роли хусусида фикр билдирдилар.

Якунда ҳар иккала танловнинг биринчи ўрин эгалари нетбук, иккинчи ўринга сазовор бўлганлар шахсий компьютер, учинчи ўрин соҳиблари эса рақамли фотоаппарат ҳамда дипломлар билан тақдирланишди.

Ўз мухбиримиз

Дараклар

ИККИ ТОМОНЛАМА ФОЙДА

АҚШнинг «Kaiser Permanente Colorado» суғурта компанияси Колорадо штати фуқароларига «Weight and Win» дастурида иштирок этишни таклиф қилди. Мазкур дастурга мувофиқ ортиқча вазнини йўқотган ва бу натижани сақлаб қолган кишилар учун маълум миқдорда пул мукофотлари ажратилган.

«Medical Express» тарқатган маълумотларга қараганда, «Weight and Win» дастурига кўра тиббиёт муассасалари, ҳатто кутубхона ва дўконларда тарози ҳамда видеокузатув мосламалари ўрнатилган махсус жойлар ташкил этилган. Ҳозирда штат бўйича 12 та ана шундай жойлар мавжуд бўлиб, янги йилдан яна 10 таси ишга туширилиши режалаштирилмоқда.

Шу кунгача дастурда 9 мингга яқин киши иштирок этиб, улар ҳар 3 ойда текширилиб, натижаларига қараб 15 дан 150 АҚШ долларигача пул мукофоти билан тақдирланиб борилади. Дастурни ҳаётга татбиқ этиш учун суғурта компанияси 500 минг доллар сарфлади.

Суғурта компаниясининг маслаҳатчи-шифокори Эрик Франснинг таъкидлашича, ортиқча вазнни йўқотишга қаратилган бу дастур бошқа одатий даволаниш усулларига нисбатан анча самаралидир. Тиббиёт нуқтаи назаридан қараганда, бу йўл билан тана оғирлигининг ҳеч бўлмаганда 5 фоизини йўқотиш мумкин, — дейди у.

«ЖОНСИЗ ОЁҚ»ЛАР ЮРА БОШЛАДИ

Илк бор испаниялик жарроҳлар томонидан амалга оширилиб, икки оёғи трансплантация қилинган бемор юра бошлади. Бу ҳақда «The Daily Telegraph» нашри хабар тарқатди.

Маълум бўлишича, ҳозирча исм-шарифи сир сақланаётган 20 ёшли йигит жароҳат туфайли икки оёғидан айрилган. Шундан сўнг жабрланувчига мос, оламдан ўтган одамнинг оёқлари кўчирилди. 2011 йилнинг 10 июлида ўтказилган жарроҳлик амалиёти 10 соат давом этиб, унда Валенциядаги ЛаФе шифохонасининг 50 дан зиёд шифокорлари қатнашишди.

Узоқ давом этган терапия муолажалари ва реабилитациядан сўнг бемор ўзининг илк қадамларини клиниканинг қайта тикланиш бўлими сузиш ҳавзасида амалга оширди. Тажриба сифатида ўтказилган операция жарроҳларга катта муваффақият келтирди.

Халқаро миқёсда етакчи ҳисобланган мутахассислардан бири, жарроҳ Педро Кавадас-Родригеснинг айтишича, бемор аста-секин ҳеч қандай қийинчиликсиз оёққа турмоқда. Бироқ, йигитнинг мустақил юриб кетиши учун яна бир неча ой керак бўлади.

25 ДОЛЛАРГА КОМПЬЮТЕР

2012 йил арзон компьютерлар даври сифати тарихдан жой олади, шекилли. Компьютер технологиялари нархи пасайиб бораётгани барчага маълум, аммо шундай бўлса-да, бугунги кунга келиб 25-35 АҚШ долларига янги компьютер сотиб олишни хаёлимизга ҳам келтирмаганмиз.

Ана шундай янгиликлардан бири «Aakash» планшетининг донабай баҳоси атиги 35 долларни ташкил этмоқда. Ушбу ихтиро ўтган йилнинг октябрь ойида Ҳиндистон бозорини оёққа турғизди. Бу йил эса ўта арзон баҳоланаётган компьютерлар Россияда ҳам оммалашиши кутилмоқда.

«DataWind» компанияси расмий вакили Сунит Сингх Тулининг айтишича, Россия бозори катта имкониятларга эга ва бу ерда компаниянинг шахсий дўконларини қуриш режалаштирилмоқда. Унгача мавжуд тармоқлар орқали савдо-сотиқ йўлга қўйилади.

Қувонарлиси, янги йилнинг январь ойида нархи 25-35 долларга баҳоланаётган «Raspberry Pi» номли яна бир миникомпьютер пайдо бўлиши кутилмоқда.

НООДАТИЙ ХАЙРЛАШУВ

«Associated Press» агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, америкалик тоғ-чанғи спорти устаси Сара Шлепер катта спорт билан хайрлашишни ўзига хос тарзда нишонлади.

Спортчи Австралиянинг Линц шаҳрида слалом спорт тури бўйича бўлиб ўтган Жаҳон кубоги мусобақасида уй кийимида 3 ёшли ўғлини кўтариб олганча, қияликдан пастликка сакради. Шунингдек, спортчи бу қалтис жараённи тасвирга олиш учун ўзи билан бирга видеокамерани ҳам олган эди.

Шлепер 1995 йилдан буён Жаҳон кубоги мусобақаларида иштирок этиб келади. У, шунингдек, қишки олимпиада ўйинларида 4 маротаба қатнашган. Америкалик спортчи ўз фаолияти давомида кўплаб совринларни қўлга киритган. Энг катта ютуғи эса 2005 йилги Жаҳон кубогидаги бош совриндир.

Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

Хориж матбуоти саҳифаларида

“Die Welt” газетаси, Германия

2012 ЙИЛ ПРОГНОЗИ: ЕВРОҲУДУД ҲАЛОКАТ ЁҚАСИДА

Шу кунларда дунё матбуоти саҳифаларини асосан 2012 йилда инсониятни нималар кутаётгани тўғрисидаги мақолалар эгаллаб турибди. Хусусан, “Die Welt” газетаси ўзининг бу йилги илк сонини евроҳудуд келажаги тўғрисидаги мақола билан бошлаган. Унда ёзилишича, 2012 йилда ҳам евроинқироз мавзуси яна долзарблигича қолади.

Молиявий инқирозга қарши янги режа доирасида Германия канцлери Ангела Меркель ва Франция Президенти Николь Саркози евромамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлик шартномасига катта умид боғламоқда. Ўтган йилнинг декабрь ойи бошларида эса бу режа 26 давлат иштирок этган саммитда бош мавзу сифатида кўриб чиқилган эди. Унда молиявий механизмлар фаолиятида талабчанликни ошириш, миллий бюджетни вужудга келтириш ва шакллантириш масалалари атрофлича муҳокама этилганди. Аммо барча саъй-ҳаракатларга қарамасдан, «Fitch» рейтинг агентлигининг хулосасига кўра, иқтисодий бўҳрон хавфи яна кучайиб бориши кутилмоқда. Натижада иқтисодий жабҳада аввал Франция, сўнгра эса Германия ўз рейтингини йўқотиши мумкин. «Бу эса шаксиз халокатдир», дея ёзилади мақолада.

Бундай вазиятда ҳудуд аҳолиси қандай йўл тутмоғи лозим? Мақолада келтирилишича, шу кунларда аҳоли евро пул бирлигини истеъмолдан чиқариш тўғрисида овоз йиғмоқда. Бу, ўз навбатида, қадрсизланиб бораётган валюта қийматини, шунингдек, рақобатбардошликни ошириш учун имконият яратади.

«Financial Times» газетаси, Буюк Британия

ХИТОЙ — ОЙ ЙЎНАЛИШИ

Хитой ҳукумати илк бор инсонни Ойга олиб чиқиши тўғрисида расмий маълумот берди, дея хабар беради «Financial Times» газетаси мухбири Саймон Рабинович. «Инсонни Ой саёҳатига олиб чиқишнинг дастлабки режалари мукаммаллаштирилмоқда», дейилади ҳукумат расмий маълумотида.

Хитой экспертларининг сўзларига қараганда, Ойга уюштириладиган экспедиция 2020 йилдан кейин амалга оширилиши эҳтимоли бор. Шунингдек, расмий маълумотда бу борада Хитойнинг яқин беш йил ичида амалга ошириши кутилаётган режаси ҳам сир тутилмаган. Унга кўра, янги орбита йўлдоши, орбита станциясида тезкор эшитиш, космик тадқиқотларни фаоллаштириш мосламаларини ўрнатиш кўзда тутилган. 2016 йилдан эса бир нечта ҳаво шарлари учувчиларсиз атмосферага юборилади. Агар режа кўнгилдагидек амалга ошса, бу инсонларнинг космосга илк парвози нуқтаи назаридан «янги техника инқилоби» юз бериши мумкин.

Улуғбек АСРОРОВ тайёрлади.

Жаҳон адабиёти тажрибасидан

Маркеснинг иқрорлари

Ёзувчининг ҳаёти, дунёқараши, ижодий лабораторияси ҳамиша ўқувчиларни қизиқтириб келган. Айниқса, адабиёт ихлосмандлари ўзларининг севимли адиби ҳақида барча маълумотларни билишни истайди. Қуйидаги суҳбат матни Россияда чоп этиладиган “Лотин Америкаси” журналининг 1980 йилги 1-сонидан қисқартириб олинди. Унда ўзининг “Бузрукнинг кузи”, “Ёлғизликнинг юз йили” романлари билан ўзбек ўқувчисига ҳам яхши таниш бўлган Габриэль Гарсиа Маркес билан асарларининг яратилиш тарихи, ютуқ ва камчиликлари, умуман, адабиётни тушуниш хусусида сўз юритилади.

“...Поездда бориладиган бўлса Женева шаҳрига саккиз соатлик машаққатли йўлни босиб ўтишим керак. Яхшиямки, дўстларимдан “Ёлғизликнинг юз йили” асарининг бир нусхасини олган эканман. Бўлмаса ўқишга ҳеч вақо йўқлигидан кета-кетгунча зерикардим. Шундай қилиб, ўзим ёзган романни ҳам ўқидим. Аниқроғи, унинг уч-тўрт бобини мутолаа қилдим, холос...”

— Хўш, китобингиз ўзингизга ёқдими?

— Очиғини айтганда йўқ. Бирор асар ёзаётганингда дунёда ундан яхшироқ китоб йўқлигига имон келтирасан. Аммо уни бу гал ўқиганимда роман ёзилаётган кезларда менда нималардир етишмаганини тушундим. Яъни, асарда воқеа-ҳодисаларни фақат гапириб беribман. Бу эса ёзувчи учун жуда уят.

Аслида бу асарни бошлаганимда вақтим кам, устига-устак уни тез тугатишим керак эди. “Бузрукнинг кузи”ни эса етти йил давомида хотиржам ёздим. Шу сабаб “Ёлғизликнинг юз йили” асарининг туғилиши қийин бўлган.

Мен ниҳоятда инжиқ ўқувчиман. Агар китоб зериктирса, уни улоқтириб юбораман. Ёзаётганимда ҳам шундай қиламан. Қўлимга қалам олишим билан битаётганларим ўқувчи учун зерикарли бўлаётгандек туюла бошлайди. Шу боис, асарларимни жонлаштириш йўлларини қидираман. “Ёлғизликнинг юз йили”-ни ёзаётганимда ҳам мана шундай бўлганди. Асарда жуда кўп авлодлар ҳақида ҳикоя қилиниши керак эди. Кейинроқ эса, агар шундай йўл тутсам, роман такрорий даврийликдан иборат бўлиб қолади ва ўқувчини зериктиради, деб ўйладим. Шунинг учун унинг деярли тенг ярми ёзиб бўлинганида ёзишдан тўхтадим.

— Бир танқидчи “Ёлғизликнинг юз йили” асари “Бузрукнинг кузи”нинг муқаддимасига ўхшаб қолган, деганди. Бошқалар эса романни тушунолмаган жойларини билиш учун унга қайта-қайта мурожаат қилади. Ўзингиз бу ҳақда нима дейсиз?

— Саволингиздан кейин “Ёлғизликнинг юз йили” романини яна бир карра ўқиб чиқишим керакка ўхшайди. Ишонинг, бу сизга қай даражада қизиқ бўлса, мен учун ҳам шундай.

Танқидчи танишларим талайгина. Улар бу китоб ҳақида кўп ёзишди. Мақолаларни ўқимай қўйганимга эса анча вақт бўлди. Чунки танқидчиларнинг сохта ва нотўғри фикрларини умуман сингдиролмайман. Мен ўқувчи ва ёзувчи ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар бўлишини хоҳлайман. Ҳар доим ёзишни бошлаганимда асарларим орқали ҳеч бир “даллол”ларсиз ўқувчига бирор нарса беришга интиламан. Жилла қурса, шунга интиламан.

Баъзи танқидчиларда асарда муаллиф нима демоқчи бўлганию, унинг ўзи бу китобни қандай тушунганини ўқувчиларга айтиб бериш мойили кучли. Демак, бу шароитда адиб билан ўқувчининг ўртасида ҳеч қандай алоқа қолмайди. Шунинг учун ҳам уларни ёмон кўраман. Ўйлашимча, улар ёзувчи ва ўқувчи ўртасида туриб, фақат халақит беради. Гоҳида уларнинг “Четроқ туринг. Мен сиз билан эмас, ўқувчи билан гаплашаяпман”, дейишганини кўриб энсанг қотади. Айримларининг хаёлига на адиб, на ўқувчи келади. Балки, бу тўғридир, китобда тўла англаб бўлмайдиган жойлар кўпдир. Бундан эса аксарият танқидчилар ўзларини оқлаш учун “ҳатто муаллифнинг ўзи нима демоқчилигини билмайди”, дея жар солишади. Шу сабаб уларнинг фикрларини юрагимга яқин олмайман. Ёки ўзи шундай бўлиши керак эди, деб қўя қоламан.

“Ёлғизликнинг юз йили” “Бузрукнинг кузи” асарининг муқаддимасими? Балки, нафақат бу асар, балки бошқалари ҳам танқидчиларнинг назарида шундайдир. Бироқ “Бузрукнинг кузи” тамоман бошқа асар. Мен шундай ўйлайман.

Асаримга қайта-қайта мурожаат этиш ўзимга ҳам ёқади. Чунки бу китоб умрининг давомийлиги билан боғлиқ. Адабиёт тарихидан маълумки, ўтган даврларда ҳаммани ҳайратга соладиган кўплаб асарлар яратилган. Кейинчалик эса улар муомаладан чиқиб кетган. Ҳозир ўша китобларни ҳеч ким эсламайди. Демоқчиманки, қани бугун ўша беназир, қўлма-қўл бўлиб ўқилган рицарларнинг романлари? “Ёлғизликнинг юз йили”да эса ҳеч ким ҳеч қачон билмайдиган даврлар акс этган. Шу сабаб менинг бу китобимга вақт ўз измини қандай ўтказишини ўйлаб баъзида хавотирга тушаман. Мен учун у олиб келган шуҳрат ва жуда кўп нусхада сотилгани, дунёнинг ўттиздан ортиқ тилига таржима қилингани унчалик катта аҳамиятга эга эмас. Мен учун асосийси, асаримнинг биринчи авлоддан иккинчиси, учинчиси ва ҳоказосига салмоғини йўқотмасдан ўтишидир. Ўйлашимча, айнан мана шу адабиётда қолиш бўлса керак.

Афсуски, муаллиф оддий ўқувчининг фикрини ҳеч қачон билолмайди. Бунга шон-шуҳрат сабабли юзага келган масофа тўсқинлик қилади.

Баъзида хотиним Мерседес билан уйда ёлғиз қолганимизда кимнидир кечки овқатга таклиф этамиз ёки аксинча. Дўстларимиз кўп. Уларнинг айримлари шунчаки қўнғироқ қилишмайди, балки йигирмадан ортиқ оқшом, байрамона учрашувлар борлигини таъкидлашади. Ана шундай зиёфатларда яна шон-шуҳрат туфайли яккаланиб қоласан киши.

— Китобхонларнинг хатлари-чи?

— Ҳа, улар ёзишади. Номаларнинг аксариятида асарларнинг кўлёзмаларини сўрашади ёки ижодим юзасидан ҳимоя қилаётган диплом ишлари ва диссертациялари бўйича саволлар билан мурожаат қилишади. Севгисини сенга хатлар орқали изҳор этиши эса ёқимсиз. Хотиним бунақа номалардан ажойиб “коллекция” йиққан. Албатта, у менга бу хатларга на жавоб ёзишни, на уларни сақлаб қўйишни таклиф этади.

Афсуски, оддий китобхонлар билан алоқаларга уларнинг тортинчоқлиги ҳалақит беради. Аттанг, улар ижодинг ҳақида нима деб ўйлаётганини билолмайсан. Тўғрисини айтганда, ўқувчилар “Ёлғизликнинг юз йили” уларнинг оиласи тарихи эканини ҳақида тез-тез ёзиб туришади. Табиийки, Кариб ҳавзаси ва Лотин Америкасида яшайдиган одамлардан буни эшитишнинг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ. Бироқ бир куни Германиядаги кичик бир шаҳарда (афсуски, номини эслаёлмайман) яшовчи немис аёлидан хат олдим. Унинг ёзишича, “Ёлғизликнинг юз йили” уларнинг оиласининг тарихи ҳақида. Макондо эса уларнинг қишлоғи.

Бу фикр нима учун асарни кинофильм қилишга қарши бўлганимни исботлайдиган омил. Ҳақиқатан ҳам пул учун ҳар нарсага тайёр бўлган, асарни қўшимчалар билан “бойитадиган” режиссёрлар, айниқса, Шимолий америкалик мазкур соҳа мутахассисларига доим рад жавобини бериб келганман. Улар мени кўндириш учун бир миллион, икки миллион ва ҳозирда уч миллион доллар таклиф этишмоқда. Бироқ пуллар фикримни ўзгартиришга асос бўлолмайди. Мен ўқувчилар китобдаги қаҳрамонларни қандай фараз қилса, шундайлигича мутолаа этишини истайман. Яъни бир ўқувчи Урсулани момосидек тасаввур этса, иккинчиси унинг образини синглисидек кўз олдига келтириб китобимни ўқишини хоҳлайман. Чунки китобхон ўқиш жараёнида ўзининг шахсий образларини яратади. Экранда эса ҳар бир персонажнинг ўз қиёфаси бор. Билмадим, бундай қалтис иш китобхоннинг кўнглини синдирмасмикин? Майли, ўқувчилар Урсулани холасига ўхшатишсин, масалан, Софи Лоренга эмас. Холаси унчалик чиройли бўлмаса ҳам, майлига. Назаримда, китобхон ва ёзувчи ўртасидаги ички мулоқот — айнан шу.

— Демак, асарлар асосида фильмлар яратиш образларни бузиши мумкин...

— Ҳа, бу иш айнан образларни ўзгартиради. Фильмлар кўраётганимизда “Қара, унинг башарасига, қара!” деб айтамиз. Шунинг баробарида ҳар доим улардан кўнглимиз совиб бораётганини ҳис этамиз.

— Худди ўзингиздек, ўқувчи ва ёзувчиларга жиддий таъсир этган уч нафар адибни айтиб бера оласизми?

— Доим тушунарсиз бўлган адабий таъсир нима эканини билмасдан туриб, нафақат уларнинг уч нафарини, балки, ўн, йигирма нафарини келтириб ўтиш ноҳақлик бўлади. Шу боис, мен ҳар қандай вазиятда ҳам қизиқиш уйғотиб келган адабий таъсир нима экани ва уни қандай айтилиши тўғрисида муфассал жавоб бераман.

Бир куни “Бузрукнинг кузи” асарини қандай давом эттиришни билмай турганимда қўлимга тасодифан Эрнест Хемингуэй сўзбоши ёзган “Африка ови” (“Охота в Африке”) деган асар тушиб қолди. Мени ҳайрон қолдирган нарса шу эдики, нима сабабдан адиб айнан мана шу китобга сўзбоши ёзди? Бошида асар унчалик яхши таассурот қолдирмади. Бироқ, одатимга кўра, уни охиригача ўқиб чиқдим. Китобда ов ва филлар ҳақида жуда зўр ёзилгандики, муаллиф жониворларни ўрганиб чиқиш борасида кўпчиликка ўрнак бўла олади. Асарни ўқиб бўлгач, ўз хато ва камчилигим нимада эканини тушундим. Бошқача айтганда, кутилмаганда қаҳрамоннинг феъл-атвори ва характерини ифодалашнинг калитини топдим.

Адабий таъсирни тўлиқ назорат қилишнинг иложи йўқ. Баъзида танқидчилар адибларни таъсирланишда айблаб, шундай китобларни мисол келтириб ўтишадики, уларни ҳатто ёзувчи ўқимаган ҳам бўлади. Шунинг учун гап келганда, танқидчилар кўпинча мана шундай хатоларга йўл қўйишини айтиб ўтмасам адолатсизлик бўлади. Ахир, одам бошқа бировнинг асарини ўқимасдан туриб, қандай таъсирланиши, илҳомланиши мумкин?

Шу ўринда, шак-шубҳасиз, айтиб ўтишим мумкинки, мен испан адиби Франц Кафкадан жиддий таъсирланганман. Мактабда ўқиб юрган кезларимда кимнинг асарини ўқисам, ўша мавзуда ёзишни хоҳлардим. Аммо талабалик йилларимда тасодифан Кафканинг «Метаморфозалар» деган ҳикоялар тўплами тушиб қолди. Кейин ўқишни бошладим ва дарров ўйладим: “Бу асар адабиётга ярадими, демак, ёзишга арзийди”. Бироқ ўшанда бунақа қилиш керак эмаслигини билмагандим. Бу таҳқирланган, деб ўйладим. Шу лаҳзада менда одамларга айтадиган гапларим борлигини тушундим. Эртаси куни эса ёзишни бошладим.

Тан оламан, шу пайтгача эълон қилинган ҳикояларимда Кафканинг таъсири катта. Лекин улар ижодий ишларимнинг дастлабкилари эди. Қайтадан ўқиб чиққанимда уларда интеллектуаллик борлигини сездим. Яъни улар мавҳум, фақат уй-хаёллардан иборат бўлиб қолган эди. Шундан кейин, мен ҳақиқий ҳаёт билан юзма-юз келган жойга — туғилган қишлоғимга қайтдим. Бу ерда эса адабиётнинг асоси нима эканини тушундим. Шунинг учун Кафкага раҳмат айтаман, негаки, у мен ёзмоқчи бўлган, лекин арзимайдиган асарларни битмаганди.

Бир куни Фолкнер ёзган жойлар билан танишиш ниятида Қўшма Штатларнинг жанубига йўл олдим. У ер мен дунёга келган Аракатака шаҳарчасига жуда ўхшаб кетарди. Балки, менга шундай бўлиб туюлгандир. Бироқ улар бир-бирига умумий белгилари билан ўхшаш эди, назаримда. Аракатакада "Юнайтед фрут компанияси" қурилиши натижасида у ерда маиший маданият — архитектура, шу билан бирга, темир том қопламалари, поезд вагонлари, пальмалар ва ўтлоқлар пайдо бўлди. Бу Қўшма Штатларнинг жанубида ҳам бор. Буларнинг ҳаммасини кўрганимдан сўнг, дунёда бир неча бор Фолкнер мени ўқиган деб гапирилган ва мен айтмоқчи бўлган изҳорлар борасидаги муаммолар ечими топилгандек эди. Яъни Фолкнердан таъсирланганимни тан олмаслик адолатсизлик бўлишини англадим.

Яна бир ажабланарли таъсирланиш. Шак-шубҳасиз, буни ҳеч бир танқидчи сезмаган ва фаҳмламаган. У Виржиния Вулфдир. Айнан ундаги ўзига хослик ва ҳайратда қолдирадиган даражада дунёни ҳис этиш, энг асосийси, замонни жуда яхши англаш фазилати ёзишимга ёрдам берган.

Мен номларини айтиб ўтган ёзувчиларнинг уч нафари ҳам испан тилида ёзмаслигини кўриб турибсиз. Ҳаммасидан ҳам кўра, ижодимда яна бир эътиборимга молик таъсирланиш бу — олтин аср испан шеърияти. Бошқача айтганда, мен испан тилини ўрганишим натижасида фақат поэтик билим олишга эришдим. Ҳозир испан шеъриятини беш бармоқдай биламан, деб айта оламан. Бу ишлашимга асқотади.

Шунингдек, Атлантика океани қирғоқларидаги Колумбия ва Кариб оролларининг халқ қўшиқларидан қаттиқ таъсирланганман. Уларнинг манерасини эса таърифлаб бериш қийин, фақат лаззатланиш, ҳаяжонланиш мумкин. Мен уларни ҳикоя қилиб бериш учун келганимда анча кеч қолгандим. Шундай бўлсада, амин бўлдимки, қўшиқларда дунё акс этади. Ҳарҳолда мен шундай деб ўйлайман.

Тан олиб айтаман, Кариб мусиқаларидаги оддийлик ва самимийликдан ҳам кўп таъсирланаман. Бу “Бузрукнинг кузида” ўз ифодасини топган. Шунинг учун таржимонлар қийинчиликларга дуч келишмоқда. Асар Кариб халқларининг шеърлари билан бойитилган, жумладан, унда кубаликларнинг, мексикаликларнинг қўшиқлари ҳам бор. Тўғрисини айтиш керак, бу онгли равишда қилинган. Бу муаллифнинг лаззатланиши учун қилинган ўзига хос адабий ўйин эди.

— Асарларингиздаги қаҳрамонлар...

— Асарлардаги қаҳрамон бу — маълум бир аниқ шахс эмас. У кўплаб кишилардан иборат — коллаж. Агар кимдир бирор бир ташқи қиёфани акс эттирмоқчи бўлса, у, албатта, ёвуз кўзни бировдан, яна кимдандир бурунни, учинчи кишидан феъл-атворни, тўртинчи одамдан сочни олиб, разил бир инсоннинг кўринишини тасвирлайди. Ўзимнинг қаҳрамонларим ҳақида гапирадиган бўлсам, улар негизи мен эслайдиган, танийдиган одамлардан олинган. Айримлари эса жуда кўп бошқа-бошқа кишиларнинг сиймоси асосида яратилган. Қаҳрамонларнинг барчасини асосини, аввало, муаллиф танлайди. У хоҳ аёл, хоҳ эркак, хоҳ яхши, хоҳ ёмон бўлсин, барибир, дастлабки таъсирланиш муаллифдан бошланади. Кейин уни қаҳрамон этиб шакллантириш буткул бошқача нарса. Персонажларни муаллиф юрагидан ҳис этади: ким ёмону ким яхши. Қисқаси, қалбда нима бўлса, ўша юзага чиқади. Шунинг учун айнан адабиётда “манихейства”ни тутиб туриш жуда қийин ва ёмон. Негаки, сен эрталаб бошқа одам бўласан, кечқурун эса умуман ўзга киши айланасан...

Азим РЎЗИЕВ
таржимаси

Ватан ҳимояси — олий шараф

«Йигит хизматда бўлганми?..»



Бу гапни ҳамкасбимиз Юнус ака Зиёдов (охирати обод бўлсин) айтиб берувди. Бир оғайнисининг ўғлини уйлантириш ниятида совчиликка боришибди. Қиз тараф совчиларни яхши кутиб олиб, ҳурматини жойига қўйибди. Бўлажак куёвни, оиласини яхши билишларини, қизларига муносиб эканлигини айтишибди. Фақат қудаларнинг "Йигит хизматда бўлганми?" деган саволига совчилар жавоб беролмай қолишибди. "Бўлмаса гап бундай, — деб шарт қўйибди қиз тарафдагилар. — Йигит армияга бориб келсин, ундан кейин тўйни қилаверамиз".

— Хуллас, оғайнимизнинг ўғлини армияга бориб келгандан кейин уйлантирганмиз, — деган эди ўшанда Юнус ака кулиб.

Ҳа, йигит киши учун ҳарбий хизматда бўлиш нафақат бурч, балки ор-номус ҳамдир.

Мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар боис ҳарбий хизматнинг нуфузи ошиб, аскар ва сержантларга эътибор ортди. Энди ҳамма ҳам муддатли ҳарбий хизматга ҳам чақирилавермайди. Чунки миллий армиямизда профессионаллашув жараёни кечмоқда. Муддатли ҳарбий хизматни хоҳловчилар кўп. Йигитлар сараланиб, таъбир жоиз бўлса, минг чиғиридан ўтгач, танлов асосида армияга олиняпти. Бинобарин, муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, вояга етган ҳар бир йигит, ҳар бир фуқаро учун Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш ўз Конституцион бурчини шунчаки адо этишдан иборат бўлмасдан, балки унинг учун нуфузли ва шарафли ишга айланиши зарур.

Ўтган йили Тошкент вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида чақирилувчиларни қўшинларга тантанали кузатиш тадбирида қатнашдик. Атрофга назар ташлаймиз, ҳамманинг юз-кўзида қувонч. Ҳамма байрам кайфиятида. Кимдир фарзандини, кимдир укасини, яна биров жиянини кузатиш учун бу ерга келган. Улар билан суҳбатлашдик.

— Биз Қибрай туманиданмиз, — дейишди Салтанат опа ва Рихсибой ака. — Беш нафар фарзандимиз бор. Кенжамиз Эркин армияга кетяпти. Очиғи, унинг бўй етиб, ҳарбий хизматга олинганидан хурсандмиз.

— Ота-онам менинг чегара қўшинларида хизмат қилишимни эшитиб роса қувонишди, — дея гапга қўшилди чақирилувчи Эркин Холматов. — Биз нега армияга кетаётганимизни ва кимларни қўриқлашимизни жуда яхши биламиз.

Улуғбек Рашидов Чиноз туманидан армияга чақирилган. Уни кузатгани опаси Собира, акаси Бахтиёр билан бирга амакиси Шарифжон ака ҳам келган.

— Оилада олти нафар бўлсак, Улуғбек энг кенжамиз, — дейди мамнун ҳолда Собира Рашидова. — Йигит учун армия — катта ҳаёт мактаби. Бу гаплар баландпарвоздай туюлсада, аслида шундай. Укам тенгдошлари ичидан танланиб ҳарбий хизматга олинишининг ўзи биз учун катта бахт.

Ҳа, бугунги кунда йигитлар армияга танлов асосида чақириляпти. Хизматга отланаётганлардан нафақат жисмоний жиҳатдан бақувват ва соғлом бўлиш, балки юксак маънавиятли, чуқур билимли, Ватани, юрти билан фахрланадиган чинакам фидойи бўлиш ҳам талаб этилади. Муддатли ҳарбий хизматнинг бир йил қилиб белгиланиши, аскар ва сержантларимизга яратилган қулай шарт-шароитлар, берилаётган имтиёзлар, ишга жойлашишдаги устуворликларга ҳавасингиз келади. Бу ҳарбий хизматчиларимиз ҳамиша давлатимиз ва халқимиз ғамхўрлигида эканлигидан далолат беради.

Равшан ШОДИЕВ,
журналист

ОТА ВА

("Замондошим портретига чизгилар" китобидан)

Очерк

Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати

Наманганга келганимда менга Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими бошлиғи, шоир Жамолиддин Муслим ҳамроҳ бўлди. Авваллари яқиндан суҳбатлашмаган эсак-да, унинг жуда дилкаш йигит эканига гувоҳ бўлдим, тезда киришиб кетдик.

Кундан-кунга ободонлашиб, мамлакатнинг файзиёб шаҳарларидан бирига айланиб бораётган гўзал Наманган шаҳрининг ёнгинасида, Наманган туманига қарашли "Барака" фермер хўжалиги фаолият юритиши ҳақида ҳали Тошкентда эканимдаёқ эшитган ва бориб кўришни ният қилгандим.

— Узоқ эмасми? — деб сўрадим вақтни қизғанганимдан, иложи бўлса бўғуннинг ўзидаёқ бориб, хўжаликдаги ишлар билан тезроқ танишиш ниятида.

— Йўқ, узоқ эмас, — кулди Жамолиддин Муслим. — Сизнинг "Сарбадорлар" романингизда бор-ку, ҳалиги Самарқанд ёнидаги қишлоқлар яқинлигини кўрсатиш учун агар шаҳарда ётган одам қўлини ташласа, қишлоққа тушади, деб таърифланган. Ўшанга ўхшаган. Яқин.

Кулишдик.

Тошкент — Андижон йўлидан юрилса, кўп ўтмай чапдан бежирим асфальт кўча чиқади, у "Барака" фермер хўжалигининг сўлим шийпонига олиб боради.

Бизни кўринишидан етмиш ёш атрофидаги, юзидан нур ёғилиб турган, ширин сўзли, сертабассум бир одам кутиб олди. Бу Ботиржон ака Исаев эди.

— Қандай шамол учирди? Фақат телевизорларда кўрардик... — самимий қувончини яширмади у. — Ажойиб иш бўпти-да!

— Сизнинг шамолингиз учириб келди... — ҳазилга ҳазил билан жавоб қилдим.

Каттагина шийпон ҳовлиси жуда шинам, боғ дегулик. Шийпон деса, хаёлимизда дарҳол кенг даланинг ўртасида қаққайган, бориш йўли чанг ва тор, остонасининг тагигача пахта экилган, иккита-учта хонаси бор, олди енгил-елпи айвон қилинган, айтарли ҳовлиси йўқ, четида битта-ярим тол ўсиб-ўсмаган қаровсиз иморат пайдо бўлади. Лекин "Барака"нинг шийпони мутлақо бошқача. Аниқ санашга улгурмадим, ўнга яқин деразаси ҳовлига қараган, албатта хоналари ҳам шундан кам эмас, кейин уларни айланиб кўрдик — башанг оқ бино экан. Бинонинг олдида пўлат қувурлардан жуда чиройли баланд сўриток кўтарилган, нарирокда гулзор кўзга ташланади.

— Пўлат қувурларни қайдан келтиргансиз? — деб сўрадим сўритокни кўрсатиб.

— Ўзимиздан... — деб қўяқолди Ботиржон ака ортиқча изоҳ бериб ўтирмай. Бунинг сабабини кейин тушуниб етдим.

Сўрига ўтирдик. Ёқимли мезон шабадаси эсарди.

— Она табиатнинг мурувва-ти, олтин фасл — кузнинг саховати бу йил бошқача бўлди, барча фермерлар қатори 61,7 гектар ерга деҳқончилик қилаётган бизнинг "Барака" фермер хўжалигимиз учун ҳам хосиятли, баракали келди, — деди Ботиржон ака. — Гап шундаки, водийга қилинган сафар чоғида Президентимиз Ислом Каримов фермер хўжалигимизда бўлдилар ва биз билан суҳбатлашдилар...

— Муборак бўлсин! — дедим.

— Табриклаймиз! — сўзга қўшилди Жамолиддин Муслим ҳам.

Дарвоқе, ғайратли ва иқтидорли тадбиркор Олимжон Исаев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигида деҳқончилик ишлари илмий асосларда олиб борилаётгани сабабли яхши натижаларга эришилмоқда. Бу — жуда муҳим омил. Олимжоннинг ўзи иқтисодчи, агроном. Боболари ҳам деҳқончилик билан шуғулланиб келишган. "Мирисохон оппоқдадамлар миришкор деҳқон бўлган эканлар..." — деди Олимжон кейин биз билан суҳбатда ўзига мерос қолган деҳқончилик касби ҳақида ғурурланиб. Асли унинг илҳомчиси ҳурматли падари бузруквори, суҳбатдошимиз Ботиржон ака Исаев эди.

— Бу йил йигирма аъзодан иборат фермер хўжалигимизда 30 гектар ерга буғдой экдик, — дейди Ботиржон ака. — Қилинган меҳнатлар зое кетмади, самараси аъло даражада бўлди. Ҳар гектардан 67,7 центнер ҳосил олишга эришилди. Буни бемалол рекорд натижа, дейиш мумкин. Пахта етиштириш бўйича бу йилги режа ҳар гектаридан 35,1 центнер қилиб белгиланганди, ҳозиргача бу кўрсаткич 40 центнерга етди. Мажбурият ҳам ортиғи билан адо этилди. Хўжалигимиз муваффақиятларида сувчилар Маҳмуджон Рапиев, Раҳматилла Қозоқов, биологик лаборатория лаборантлари Манзурахон Юсупова, Мамлакатхон Жўраевалар-нинг фидокорона меҳнатлари ҳақида ҳамма оғзидан бол томиб гапиради... Роса меҳнат қилишди, шоввозлар.

* * *

Юқорида Ботиржон ака Исаев ҳақида, унинг ўғли Олимжон тўғрисида фикр юритдик. Воқеани бироз аввалдан бошлаш ўринли бўлади. Гап шундаки, ушбу фермер хўжалигини даставвал Олимжоннинг отаси Ботиржон ака ташкил этган ва фарзандларини ҳам шу ишга тортган эди.

Бундан тўрт йил аввал кеч куз кунларининг бирида Ботиржон ака ўғли Олимжонга деди:

— Ўғлим, бир жойга борамиз.

Олимжон муҳим гап борлигини пайқади, лекин нимага деб сўраб ўтирмади. Ота ва ўғил худди шу ерга келдилар. Ўшанда янгитдан қурилган шинам шийпон йўқ эди, албатта, атроф файзсиз, қаровсиз бўлиб кўринди.

— Шу ишнинг устида гаплашайлик, деб сизни бу ерга олиб келдим.

— Жуда соз-да, дадажон. Қулоғим сизда.

Ботиржон ака шаҳардаги "Мехмаш" очиқ акциядорлик жамияти корхонаси раҳбари бўлиб фаолият кўрсатаётган ўғлидан мамнун, ичида қувонади, аммо ортиқча мақтаб юбормайди, унинг олиб бораётган ишларини доим кузатиб туради. Ўғил ҳам нима иш қилса, албатта, отасидан кенгаш олади. Қобил ўғил. Ўз ўрнида ота ҳам бирон ишга қўл урмоқчи бўлса, Олимжонсиз қадам босмайди, ундан фикр сўрайди. Бир-бирига ҳам суянч, ҳам мадад.

— Кўпдан бир мақсадим бор эди, ўғлим, — деди Ботиржон ака. — Ерни яхши кўраман. Жим қараб ўтиролмайман. Бу ердаги фермер хўжалигининг ишлари юришмаган, юқори ҳосил олинмаган экан... Ерни алдаб бўлмайди-да. Унда ҳам жон бор, одамнинг меҳрини сезади, доим меҳрга ташна. Қанча меҳр берсанг, саховати ҳам шунга яраша бўлади. Атрофга бир қаранг, мана шу ерлар тендерга қўйилар экан. Танлов бўлармиш...

Ота ўғлига нима дейсан, дегандай синчков тикилди. Олимжон отасининг фикрини дарҳол англади. Ажабо, у ҳам шу ниятни кўнглига тугиб юрганди.

— Дадажон, сиз нима десангиз шу.

— Тушунганингиз учун раҳмат, ўғлим. Аммо айтиб қўяй: буни сизларга ишониб қиляпман...

Сирасини ўйлаганда, Ботиржон ака нафақада, егулик-ичгулиги етарли. Ҳеч нарсадан ками йўқ. Болаларининг муҳтарама абаси Моҳирахон ая билан ширин умргузаронлик қилишмоқда.

— Мен нимага эришган бўлсам, бари Моҳирахон туфайли, — дейди рафиқасидан миннатдор Ботиржон ака. — Мени деб ўқишини, ишини ташлади, этагимдан ушлаб, қайга борсам бирга бўлди. Қирқ йилга яқин хизматимда туриб, бир марта «чарчадим» дегани йўқ...

Энди бахтли ота-она фарзандлари — Одилжон, Дилбархон, Нодирахон ва Олимжонларнинг ёнида бундай оёқ узатиб, кексалик гаштини суриб ётса ҳам бўлаверарди. Бироқ болалар ердан узоқлашмасин, меҳнатдан бегонасираб кетмасин, деган умидда бу ишга киришаётибди, холос. Энг муҳими, бу қўлдан келадиган иш. Иккинчи томондан, Ботиржон ака Исаев меҳнатда суяги қотган эмасми, нафақага чиқса ҳам, тинч ўтира олмаслигини сезди. Юртда каттадан-кичик ҳамма ҳаракат қиляпти. Бир фуқаро сифатида у ҳам қараб турмай камтарин меҳнати билан мустақиллигимиз ривожига ўз ҳиссасини қўшишни кўнгилга тугди. Туманда ўтказилган тендерда қатнашиб, ғолиб чиқди ва мазкур фермер хўжалигини ташкил этди. Етмиш гектардан ортиқ майдон "Барака" хўжалиги тасарруфига киритилди. Шахсан Ботиржон аканинг ўзи ҳар бир қарич ерни синчиклаб назардан ўтказди. Иш қизиб кетди. Эртадан шомгача, лозим топилса, аъзолар билан кечаси ҳам ётиб қолиб ишлашди. Сидқидилдан меҳнат қилсанг, худо ҳеч қачон сени ноумид қолдирмас экан.

Ишлар юришиб кетгач, бироз вақт ўтиб, хўжалик раҳбарлигини ўғли Олимжонга юклади. Зотан етмиш олти ёшни қоралаётган Ботиржон аканинг мақсади ҳам шу эди аслида — болалар ердан, демакки меҳнатдан узилмасин.

Яхши ҳосил олиш, кўзланган мақсадларга эришишда хўжалик аъзоларига шарт-шароит яратиш жуда муҳимлиги Ботиржон акага тажрибаларидан маълум. "Барака"да ишнинг шу томонига алоҳида эътибор берилиши бағоят диққатга сазовордир.

Аввало бир неча йилдан бери барчани қийнаб келаётган сув танқислиги бартараф этилди, ўтган йили олинган соф фойда эвазига артезиан қудуқ қазилди. Энди ер остидан чиқаётган зилол сувдан ўзларигина эмас, қўшни фермер ерлари ҳам баҳраманд бўлмоқда.

Кишиларнинг оилада тириқчиликдан кўнгиллари хотиржам бўлиши керак. Уларга ўз вақтида меҳнатларига ҳақ олишларидан ташқари, буғдой, мош, ловия, маккажўхори ва бошқа қиш фаслида рўзғор учун зарур сабзавот маҳсулотлари тақсимлаб берилмоқда. Бари хўжаликнинг ўзида етиштирилади. Ботиржон ака таклифи билан чорвачиликни ривожлантириш мақсадида каттагина молхона ҳам қурилди, янги боғ барпо этиш ишлари бошлаб юборилди. Олимжон эса иссиқхона қуришни таклиф қилди. Натижада янги иш ўринлари барпо этилди.

Ҳамманинг ҳурматига сазовор Ботиржон ака ҳозир фермер хўжалигида бош маслаҳатчи. Каттанинг ҳам, кичикнинг ҳам ҳолидан бохабар, ишнинг боришини кузатиб, ўғлига жўяли кенгашлар бериб туради, дала бошидан кетмайди, тиниб-тинчимайди. Бундай бафамжиҳатлик ажойиб самаралар бермоқда.

— Демак, биз қишлоқ хўжалиги ислоҳотида фермер хўжалигига суяниб, улар фаолиятига алоҳида эътибор бериб тўғри иш қилган эканмиз, — деди Юртбошимиз хўжаликдаги ишлар билан танишиш пайтида. — Фермер бугун қишлоқда асосий етакчи кучга айланди. Улардан талабимиз шуки, аввало, ота-боболаримиздан мерос қолган ерни эъзозлаш, унга бериладиган агротехник тадбирларга жиддий ёндошиш, мунтазам бойитиб бориш ва келгуси авлодларга ҳам ҳосилдор ерлар қолдириш ҳақида жиддий ўйлаб кўрмоқ лозим.

Давлатимиз раҳбарининг ташриф чоғида айтиб ўтган қимматли фикр-мулоҳазалари, берган йўл-йўриқ ва кўрсатмалари умуман фермер хўжаликлари учун дастуриламал вазифасини ўташини келгуси йилда 117 гектар ерга экин тикадиган "Барака" фермер хўжалигининг мутасаддилари Ботиржон ака ҳам, Олимжон ҳам дил-дилдан туйдилар.

2012 йил – Мустаҳкам оила йили

Никоҳ шартномаси — оиланинг ҳуқуқий кафолати

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маданий, маърифий жабҳаларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш давлатимиз ва ҳукуматимиз олиб бораётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири. Зеро, демократик ҳуқуқий жамият барпо этишнинг муҳим мезони — фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, юксак ҳуқуқий маданияти билан ҳам ўлчанади.

Ҳуқуқий маданият шаклланган оилада унинг аъзолари ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳам англай оладилар. Бу масала моҳиятига чуқур қарайдиган бўлсак, гапни никоҳ шартномасидан бошлашга тўғри келади.

Тарихда эрамиздан аввал Вавилонда никоҳ шартномасига амал қилингани ҳақида маълумотлар бор. Шунингдек, Греция ва Римда келин-куёв оила қуришдан аввал албатта келишув шартномасини расмийлаштириб олишган. Унда мол-мулк муносабати ва меросхўрлар масаласи узил-кесил ҳал этилган.

Оила борки, эр-хотин ўртасида, табиийки, мулкий муносабат ҳам мавжуд. Хусусан, Шарқда шариат қонунларига кўра эр-хотин ўртасидаги мулкий муносабатларга алоҳида аҳамият берилади. Диний китобларда "эрнинг мулкини ўндан етти қисми хотинга ҳадя қилинади" дейилган. Бундан шариатда ҳам никоҳ қилинган вақтдан бошлаб эр-хотин ўртасида мулкий муносабатлар вужудга келишини англаш мумкин. Албатта, айрим фуқароларимиз "Бугунги қонунлар эр-хотин ўртасидаги қандай мулкий муносабатларни назарда тутади?" деган саволга боришлари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Биласиз, қонунларга кўра, эр-хотин шахсий ва умумий мулкка эгалар. Уларнинг шахсий мулкларига турмуш қуриш давригача ишлаб топилган жамғармалар ва шу давр мобайнида яқинлари томонидан қилинган ҳадялар, умумий мулкларига эса никоҳдан кейин биргаликда турмуш кечиришлари давомида тўпланган мол-мулклар, улар учун қилинган ҳадялар, яъни уй, машина ва шунга ўхшаш қимматли буюмлар киради ва ушбу буюмлар эр-хотин ўртасидаги мулкий муносабат саналади.

Миллий қонунчилигимизда илк бор никоҳ шартномаси деган янги институт истиқлол йилларида, аниқроғи, 1998 йилнинг 1 сентябрдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида акс эттирилган. Кодекснинг 29-моддасига биноан никоҳ шартномаси — никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврда ёхуд эр ва хотин никоҳдан ажралган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи келишувидир.

Никоҳ шартномаси никоҳ давлат рўйхатидан ўтгунга қадар, шунингдек, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин. Лекин никоҳга қадар тузилган шартнома у расмий рўйхатдан ўтгач, юридик кучга эга бўлади. Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. Шартнома тарафлари фақат никоҳга кирувчилар ва никоҳдаги эр-хотиндан иборат бўлади, холос. Шартноманинг мазмуни эр-хотиннинг мол-мулкига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларидан ташкил топиб, унда эр-хотин ўртасида мулкий ҳуқуқлар ва келажакда улар томонидан қўлга киритилиши мумкин бўлган мол-мулк ҳуқуқлари акс этади. Демакки, никоҳ шартномаси эр-хотин ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган низоларнинг суд жараёнида тўғри, адолатли ҳал қилинишига ёрдам беради, никоҳдан ажралган тақдирда уларнинг ҳар бирига тегишли мулкни (ҳажми ва миқдорини) аниқлаб олиш имконини яратади. Никоҳ шартномаси эр-хотин келишуви билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилаётган бугунги кунда ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқларини, шу жумладан, оилавий ҳуқуқларини билиши айни муддаодир. Айниқса, ёшлар Мустаҳкам оила йилида никоҳ шартномаси оиланинг ҳуқуқий асоси эканини ва унинг моҳияти ҳар бир кишининг бу ёруғ оламда ўзидан муносиб излар — фарзандлар қолдириши билан ҳаёт давомийлигига ҳисса қўшгани билан ўлчанишини идрок эта билишлари керак.

Шоҳида МУҲАММАДЖОНОВА,
Оққўрғон туман ДНИ нотариуси,
Шухрат ЮСУПОВ,
Зангиота туманидаги 13-сонли ДНИ нотариуси

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» масъулияти чекланган жамияти

2012 йил 7 февраль куни очиқ аукцион савдоларини ўтказади

Савдоларга Тошкент ш., "Себзор" даҳаси, 17/18-мавзе, 240-EATS манзилда жойлашган Ўзбекистон Алоқа ва Ахборотлаштириш агентлиги давлат алоқа инспекцияси тасарруфидаги 2002й. ишлаб чиқарилган, д\р 85/730FAA, бошланғич нархи 5 185 812 сўм ва д\р 70/479EAA, бошланғич нархи 5 013 769 сўм бўлган иккита, 2001й. ишлаб чиқарилган, д\р 01/209EAA, бошланғич нархи 5 181 918 сўм бўлган битта "Дамас" русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 10-00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули "TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека-банк" Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302088054, 20208000104932833002 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда 2012 йилнинг 9,16 февраль кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар белгиланган муддатларда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

— аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада;

— закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси;

— ҳуқуқий шахслар — давлат рўйхатидан ўтганликлари ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Буюртмалар аукцион ўтказиладиган куйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй. Маълумотлар кўрсатилган ушбу манзилдан олиниши мумкин.

Алоқа телефони (+998 93) 388-6996, электрон почта tkos-mail@inbox.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра Суд департаменти Тошкент вилоят бошқармасига қарашли д/р 10AD120 бўлган "ГАЗ-31029" — 1 810 000 сўмга, д/р 10AR703 бўлган "ГАЗ-31029" — 1 190 000 сўмга, д/р 11AJ222 бўлган "ГАЗ-31029" — 2 180 000 сўмга;, ЎзР МВ Тошкент шаҳар Савдо Бошқармаси автокорхонасининг д/р 10TQ738 бўлган "КамАЗ-54112" — 3 150 000 сўмга, д/р 10TQ740 бўлган "УАЗ-33031" — 1 600 000 сўмга, д/р 10TQ752 бўлган "ГАЗ-53" — 2 830 000 сўмга; "Ватан" савдо-маиший марказининг д/р 10TQ603 бўлган "ГАЗ-2410" — 800 000 сўмга; ЎзР Президенти девони Ишлар бошқармаси УЖКМХ Бошқармасининг д/р 10PP516 бўлган "ГАЗ-3102" 2 900 000 сўмга; ЎзР Марказий банки "Ахборотлаштириш бош маркази" ДУК балансидаги д/р 01/589 FAA бўлган "Хюндай-Старекс" — 21 800 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

ЎҒИЛ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан

* * *

Ботиржон Исаев асли мамлакатимизда пахтачилик, деҳқончилик соҳасида меҳнати сингган таниқли олим. 1935 йилда мана шу Наманган туманига қарашли сўлим Дамбоғ даҳасида таваллуд топган. Болалиги худди мана шу "Барака" ерларига туташ далада ўтган. Эсида, отаси Мирисохон ака етакчилик қилган бригада ерлари наманганлик донғи чиққан машҳур пахтакор Тожихон Асқарова бригадаси билан ёнма-ён эди.

Ботиржон шаҳардаги 5-умумтаълим мактабини тамомлагач, Тошкент қишлоқ хўжалик институтига ўқишга кирди ва 1957 йилда уни тугатиб, агроном дипломини олди. Кичиклигидан далада ўсганиданми, ўқишни давом эттиришни, деҳқончилик илмини чуқур эгаллашни ўз олдига қаттиқ мақсад қилиб қўйди. Шу ниятда 1960 йили аспирантурага ўқишга кирди ва беш йилдан кейин қишлоқ хўжалик фанлари номзоди бўлди. Бунда Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг лаборатория мудирлари Тожиддин Зокиров ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Михаил Александрович Белоусовларнинг хизматлари беқиёс бўлди.

Изланишларини давом эттирган Ботиржон 1980 йилда қишлоқ хўжалик фанлари доктори деган олий илмий даражага эришди, кейинчалик унга профессор унвони берилди.

Ботиржон Исаев узоқ йиллар Тошкентдаги Пахтачилик илмий-текшириш институтида фаолият кўрсатди, бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. Хизмат юзасидан Жазоирга борди, Саҳрои Кабирни кезди, Хитой ва Германияда бўлди. Саккиз йил Марказий агрокимё хизмати институти Ўрта Осиё филиалини бошқарди. 1992 йили Пахтачилик илмий-текшириш институтининг Намангандаги филиалига бошлиқ этиб тайинланди. 2006 йилда Президентимиз Фармонига кўра "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланди. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими унвонига эга.

Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достонида таърифланишича, кўп илму ҳунарлар соҳиби бўлган Фарҳод ўз илмини даштларга сув чиқаришга, юртни обод қилишга қаратган эди. Бу ибрат, намуна, бундай тутум бизга боболардан қолган. Ботиржон ака ҳам узоқ йиллар давомида қишлоқ хўжалик соҳасида олган билимларини "асраб" ўтирмай, истиқлол берган имкониятлардан фойдаланиб, уларни дадил деҳқончиликни ривожлантириш йўлларига бурди. Бунда олимнинг бир пайтлар олиб борган илмий изланишлари маҳсули бўлган, ўттиз йилдирки, ўз аҳамиятини йўқотмаган, ҳануз талаба ва мутахассислар мурожаат этиб турадиган "Ғўзани микроэлементлар билан озиқлантиришнинг физиологик ва агрокимёвий асослари" тадқиқотлар тўплами яна иш берди.

Ботиржон ака билан Олимжоннинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли фермер хўжалигида ажойиб бир лойиҳага қўл урилди. Буни илм билан деҳқончиликнинг бир-бирига боғланишига чиройли мисол, дейиш мумкин. Маълумки, пахтадан юқори ҳосил олишда энг ашаддий тўсиқ — бу ғўза зараркунандаларидир. Мазкур муаммо ҳамиша деҳқонга ташвиш орттириб келган. Ғўза зараркунандаларига қарши шу кунгача асосан кимёвий усуллар билан курашиб келинарди. Бу, бир томондан, жуда серхаражат иш, иккинчи томондан, атроф-муҳитга, табиатга салбий таъсир этади, энг даҳшатлиси, инсонлар соғлиғига хавф солади. Ота билан ўғилнинг узоқ изланиш, текшириш, синовларидан кейин "Барака"да биологик лаборатория иш бошлади.

— Бу биолаборатория қаердан келтирилган? Чет элданми, дейман? — сўради Жамолиддин Муслим.

— Ўзимиздан... — жавоб берди яна хотиржам Ботиржон ака.

Бу сирли сўзга қизиқишим орта бошлади.

— Энди кимёвий усул билан эмас, балки биологик усул, яъни ғўза зараркунандаларига қарши ўз қушандалари билан курашилмоқда, — деди Ботиржон ака. — Мазкур биологик лабораторияда кўсак қуртига қарши габробракон, ўргимчаккана ва ширага қарши олтинкўз, трихограмма каби ғўза ўсимлигига наф келтирадиган фойдали ҳашаротларни мақбул шароитларда "боқиб" етиштиряпмиз. Улар ғўза зараркунандалари ёйилган жойга "қўйиб юборилади". Битта биологик лаборатория маҳсули 5 минг гектар ерни таъминлай олади.

— Шунақа денг? Ўҳ-ҳў!..

— Биологик лабораторияда амалга оширилган, ғўза зараркунандаларига қарши курашишда самарали воситалар яратган ушбу лойиҳа туфайли фермер хўжалиги 12 миллион соф даромад қилди. Кимёвий воситалар ўрнига биоусулдан фойдаланилган ҳар гектар ердан ўртача 60 минг сўм тежаш имкони туғилмоқда, — Ботиржон ака давом этди. — Тумanimиздаги "Ижодкор" агрофирмаси доирасида барча фермер хўжаликлари биолабораториямиз маҳсулотлари билан таъминланмоқда. Туркманистон ва Қозоғистонга ҳам олиб кетишяпти, Хитойда қизиқиш бор. Юртбошимиз "Барака" фермер хўжалигининг ишлари билан танишганларида бу тажрибани маъқуллаб, уни оммалаштириш, биоусул қамровини кенгайтириш зарурлигини таъкидладилар.

"Бу борада масаланинг барча жиҳатларини — биологик усулнинг кимёвий воситалардан афзалликлари, харажатларни камайтириш имконини бериши, атроф-муҳит софлигини сақлашдаги аҳамияти ҳамда иқтисодий томондан қай даражада мақсадга мувофиқлигини эътиборга олиш лозим, — дедилар Ислом Каримов. — Шу маънода фермерларга ушбу усулнинг афзалликлари юзасидан кенгроқ маълумот бериш муҳим аҳамиятга эга..."

Шу палла шийпонга етиб келган баланд бўйли бир йигит ҳеч кимга халал бермай оҳиста ўтириб суҳбатга қулоқ сола бошлади. У "Барака" фермер хўжалигининг бошлиғи Олимжон эди, хорижлик меҳмонларни эндигина кузатибди-ю, бу ёққа шошилибди.

Кўришдик.

— Юртбошимиз жуда тўғри уқтирдилар, — изоҳ берди Олимжон. — Ҳозир фермерларга биоусулнинг афзалликлари ҳақида тушунчалар, кенгроқ маълумотлар бериб боряпмиз.

— Улар қандай "боқилади"?

— Илгари бундай "фойдали" ҳашаротлар ибтидоий усулларда тайёрланарди, содда айтганда, уларни хонаки, сўқма, дейиш мумкин, натижа ҳам шунга яраша бўларди, — жавоб берди Ботиржон ака. — Биз эса саноатлашган, механизациялашган усулда тайёрлашга киришдик. Бу ҳам қулай, ҳам унумли. Лойиҳани республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-текшириш институти олимлари билан биргаликда ишлаб чиқдик... Боқилиши, парваришига келсак, габробракон билан трихограмма 40-45 кунда "воя-га етади". Уларга қатъий тартибда тухум, асалари мумкуяси, арпа, шакар, маргарин берилади. Олтинкўз тухум, олма қоқи ейди, 20-22 кунда етилади. Иссиқ-совуғи компьютер орқали текширилиб турилади. Лойиҳа — лойиҳа, кўп лойиҳаларни кўрдик, қоғозда қолиб кетди. Энг муҳими, уни амалга ошириш, ҳаётга татбиқ этишдир. Буни йўлга қўйган, ишлаб чиқаришни ривожлантирган эса, барака топади.

— Дадам бизга умумий раҳбар сифатида йўл-йўриқ кўрсатиб турадилар, — суҳбатимизга қўшилди Олимжон. — Билмаганларимизни сўраб билиб оламиз...

— Кам бўлмасинлар, ўғлим! — жилмаяди Ботиржон ака.

Замирида ҳурмат, буюк эҳтиром ётган ота-фарзанд муносабатларини кўриб қувонади киши.

* * *

Ота-боланинг изланишлари, шижоати билан яқинда фермер хўжалигида синовлардан муваффақиятли ўтган автоматик "И-1056" инкубатори ишга туширилди. Ундан 1056 та жўжа олиш имконияти бор. Сифат сертификатига эга. Термоизоляцияли, эшиклари зич ёпиладиган — ҳаво, иссиқлик ёки совуқлик ўтказмайдиган, бежирим оппоқ шкафлардан иборат. Ярқираб турибди. Боқиб бироната қусур кўрмайсиз.

Болалигимизда шундай юқори сифатли буюмни кўрсак, у заводда, фабрикада ишлаганда, деган маънода "фабричний"ми ёки қўлда ишланганми, деб сўраб-суриштирардик. "Фабричний" дейилса, бу унинг сифати баландлигини билдирар эди.



— "Фабричний" экан-а! қаердан келтирилган бу? Япониядан эмасми? — сўрайман Ботиржон акадан.

— Ўзимиздан... — жавоб беради у.

Энди сабрим чидамайди:

— Ўзимиздан... яъни қаердан?

Ботиржон ака менга жилмайиб қарайди:

— Мен сизга айтсам, бу инкубатор энг сўнгги замонавий техника имкониятларидан фойдаланиб яратилган, ҳарорати, намлиги компьютер орқали бошқарилади, қўшимча қувват манбаи билан таъминланган ва ҳоказо афзалликларга эга. Японияда ёки Германияда эмас, балки шу ерда — ўғлим Олимжоннинг ўзи раҳбарлик қилаётган Намангандаги "Мехмаш" очиқ акциядорлик жамияти корхонасида ишлаб чиқарилган!

— Наманганда?!.

— Ҳа-да! Инкубатор автоматик равишда бошқарилади, тухумлар айлантириб турилади, жўжалар пайдо бўлганда уларга мос шароит яратилади... Дарвоқе, биологик лабораторияга зарур жами асбоб-ускуналар ҳам худди ана шу "Мехмаш"да беминнат жобажо этилди. Пўлат қувурлар ҳам, иссиқхона ҳам, сеялкалар ҳам. Узоқларга бориб юрганимиз йўқ...

Олимжонга қарайман. Демак, у ҳам "Барака"ни бошқаради, ҳам "Мехмаш"ни. Шаклланиб келаётган мулкдорлар синфининг ёрқин вакили... У, дадамлар тўғри айтяптилар, дегандай жилмаяди.

— Ўзбек кўрмагунча ишонмайди... — дедим ҳазиллашиб. — Корхонангизни бир кўришимиз керак-да...

— Бош устига!

Ўттиз тўққиз баҳорни қаршилаган Олимжоннинг асл касби юқорида айтганимиздек, агроном-лик, иқтисодчи, тадбиркорликдир. 1999 йилда дўсти Улуғбек Файзуллаев билан даставвал машина ювадиган корхона очишди. Бир кунда юздан ортиқ машина келар, ишчиларга қўшилиб ўзлари ҳам машина ювишарди.

2000 йилда ёқилғи қуйиш шохобчасини очдилар. "Суткасига «25» соатдан ишлардик..." — деб эслайди ўша тиғиз кунларни Олимжон. Дўсти Улуғбек буни бош тебратиб тасдиқлайди.

Иш асосан 2003 йилда Намангандаги "Восток" корхонасини биржа орқали сотиб олиб, уни очиқ акциядорлик жамиятига айлантириш, акциялар чиқаришдан бошланди. Бироқ иш юришмас, эски корхонанинг соликдан 230 миллион қарзи бор, уни узиш шарт, бунинг устига 60 ишчи бир ярим йилдан бери маошсиз қолиб кетган. Корхонадаги 300 та станок эса тўлиқ ишламас, айримлари таъмирга муҳтож, айримлари темир-терсакка топширишгагина яларди.

Олимжон бўлиб ўтган бир детективнамо ҳодисани шундай эслайди. Бир куни боши қотиб ўтирса, мутлақо нотаниш одам қўлида чамадони билан кириб келади.

"Сизга гапим бор! — дейди Олимжонга. — Жуда қийналиб қолдингиз, кўриб турибман. Сизга ёрдам бермоқчиман. Қарзларингиз бор, ишчиларингиз маошсиз ўтиришибди. Тўғрими?.."

Нотаниш одамнинг гаплари, афсуски, тўғри эди.

"Хўш? Нима демоқчисиз?" — сўрайди Олимжон бир оз энсаси қотиб.

"Мана шу чамадон ичи тўла, кўкидан... Қарзингизга ҳам, маошга етади, ҳаммасини қоплаб, ўзингизга ҳам қолади. Шуни оласиз, фақат бир шартим бор. Ўша ишламай ётган уч юзта дастгоҳларингизни ҳеч кимга билдирмай битта-битта олиб чиқиб кетаман, ўзингизни кўрмаганга солиб турасиз... Қолгани менинг ишим."

Олимжоннинг аъзои бадани жимирлаб, ўти чиқиб кетди. Нима-нима?! Наҳотки, ўз мулкини сотса?! Бизни ким деб ўйлаяпти у ўзи!..

Бунга акаси, "Мехмаш" кузатув кенгаши раиси Одилжон ҳам тиш-тирноғи билан қарши турди.

Етти ухлаб тушига кирмаган Олимжон бу ҳодисадан қаттиқ ғазабланди, аммо ўзини босди. Кимлигини сўраб ўтиришни ўзига ор деб билди. Жилмайиб, нотаниш меҳмондан, қайси йўлдан келган бўлса, чамадонини кўтариб ўша йўлдан қайтиб кетишини кескин талаб қилди...

— Жуда тўғри қилибсизлар, ўғилларим! Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас! — фарзандларининг тутумларини маъқуллади отаси.

Айни пайтда бу ҳодиса Олимжонни ғайратлантириб юборди. Акаси Одилжон, дўсти Улуғбек ва бошқа дўстлари билан ишга қаттиқ киришдилар. Тезда қарзларни узиш чораси топилди. Уч юзта станокнинг икки юзтаси тикланди. Астасекин давлат дастурларида иштирок эта бошлашди. 2004 йилда республика мактабларида меҳнат хоналарини жиҳозлаш бўйича тендерда ғолиб чиқдилар. Бу дастлабки катта қадам эди...

Корхонада ўттиздан ортиқ тажрибали мутахассислар — конструктор, технологлар, механиклар, дизайнерлар, муҳандис-техник ходимлар фаолият кўрсатмоқда. Иш жараёни қатъий алгоритм қоидаларига асосланган ҳолда изчил олиб борилади. Ҳамма бўлимда ҳам нуфузли олий ўқув юртларини битириб келган мутахассислар ишлашади. Асосий мақсад — замон талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш.

Олимжон яна бир қизиқ воқеани айтиб берди. Иш бошлаганларининг дастлабки паллалари. Биринчи инкубаторнинг оппоқ шкафи тайёрланганини билдирдилар. Илк "ҳосил"! Қувончли ҳодисани кўриш учун бутун корхона аҳли ҳовлига тўпланди. Олимжон билан Улуғбек кабинетдан пастга тушганларида, ўртага қўйилган оппоқ шкаф офтобда ярақлаб турарди. Ҳамманинг чеҳрасида табассум, мамнунлик аломатлари. ...Олимжон ҳам аллақандай ҳаяжонда яқинлашар экан, бирдан авзойи ўзгарди: шкафнинг тепасига шапалоқдек ямоқ солинган эди!

— Ким... бунга ямоқ солди? — сўради Олимжон.

— Мен! — деди бир цех бошлиғи.

— Нега бундай қилдингиз?

— Тепасида-ю, кўринмайди. Ким кўриб ўтирибди? — изоҳ берди цех бошлиғи. Кейин бепарвогина қўшиб қўйди: — Бўлаверади-да...

Олимжонинг қони юзига тепди:

— Нима-нима?! Бўлаверади?! Нимага бўлаверар экан? Бўлаверади, бўлаверади, деб шу ерга келдик-ку!. Энди бўлмайди! Энди бўлмайди, тушундингми? Биринчи галда биз сифатга эътибор берамиз! Сифатга! Сендайларга эса бизнинг орамизда ўрин йўқ!

Дарғазаб Олимжон қўлига эрк беришига оз қолди, ҳалиги одамнинг "ҳай-ҳай" деганига қарамай, ёқасидан тутиб, диконглатиб корхонадан кўчага чиқариб, орқасидан эшикни ёпиб қўйди. Бир жиҳати, ҳамманинг кўнгли хира бўлди, айни пайтда ҳамма энди бундай ишлаш мумкин эмаслигини англаб етди.

Корхонани айланар эканман, ундаги ёшларнинг ғайрат-шижоатларини, меҳнатларини кўриб, ичимда: "Ялқов экансан! Ялқов экансан! Меҳнат қилиш мана бундай бўлади!" — деб ўзимга ўзим дашномлар берар эдим. Маҳсулот турининг кўплиги жиҳатидан "кичкина Хитой" деса бўладиган бу корхонада қишлоқ хўжалигига зарур ҳар хил агрегатлар, сеялка, қалинлиги ўн миллиметрдан бир юз йигирма етти миллиметргача бўлган турли ўлчамдаги 114 хил пўлат қувурлар, замонавий саноатлаштирилган иссиқхоналар, силжима шкафлар, турмушда керакли ихчам турфа буюм-ашёлар тайёрланмоқда. Чунончи, "Ўзбекэнерго" буюртмасига асосан Ангренда 2 гектарлик, "Трансгаз" буюртмасига кўра Сурхондарёда 2 гектарлик замонавий иссиқхоналар қурилди. 44 та биологик лаборатория, 30 та автоматик инкубатор харидорларга етказиб берилди. Харидорлар эса тобора кўпайиб бормоқда.

Хуллас, "Барака" ва "Мехмаш" мисолида замонга муносиб, илм-фан, деҳқончилик ва тадбиркорликнинг бир-бирига чамбарчас боғланиб омухта бўлиб кетган ҳар томонлама мукаммал мажмуани кўрамиз. Бу — Мустақилликнинг мевасидир, албатта.

Ботиржон аканинг тажриба ва илмий салоҳиятию ўғилнинг ғайрат шижоати, излаб топган янгиликларини ишлаб чиқаришга дадил татбиқ этиши фермер хўжалигини ҳам, корхонани ҳам муваффақиятлар сари етакламоқда. Фермер хўжалиги — корхона — биолаборатория — дала — саноат — илм бир-бирига кўмак бермоқда.

Бу — ота-ўғил бирлиги, дўстлиги, илм билан деҳқончилик, саноат бирлиги самараси.

Ботиржон аканинг: "Меҳнат қил, изланишдан асло толма, ўғлим! Инсоннинг қаддини кўтарадиган, обрўйини оширадиган, элга азиз кўрсатадиган нарса, бу — ҳалол меҳнатдир!" сўзларини Олимжон ҳамиша ёдида тутади.

Наманган,
2011 йил ноябрь.

Қусур

Етишмаётган "тўрт дақиқа"

Икки кўп тармоқли хусусий фирманинг иш бошқарувчилари шартнома тузиш учун учрашув белгилашди. Телефон орқали келишувга кўра, улар идорада эмас, белгиланган объектга бориб кўришадиган бўлдилар. Айтилган вақтдан бир дақиқа ҳам кечикмай келган биринчи ишбилармон шеригини роппа-роса ўн дақиқа кутди. Бўлажак ҳамкорининг келишидан дарак бўлавермагач, қўнғироқ қилди. "Тўрт дақиқада ўша ерда бўламан" деган жавобни олгач, хушмуомалалик билан уни кутажагини айтди. Аммо ҳарчанд сабрли бўлмасин унинг ҳаловати бузила бошлади. Ахир, тўрт дақиқадан тўрттаси ўтиб кетди-да.. Ҳаёли қочди: «Нима бўлди экан? Фавқулодда бирор ҳодиса юз бердимикан? Ундай бўлса, огоҳлантириши керак эди... Ёки фикри ўзгариб қолдимикан? Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Ахир, ўзи билан гаплашдим-ку...»

Улар биргаликда шоколад ишлаб чиқарувчи цех очишга келишиш учун учрашув белгилаган эдилар. Режага кўра бири маҳсулотни истеъмол учун тайёрлаш, иккинчиси эса уни қадоқлаш билан боғлиқ технологияларни таъминлаши кўзда тутилган эди. Қизиқ, мавқеи жиҳатидан ўзаро тенг бўлган икки субъект бу зайлда келиша олармикан?..

Кутишдан ёмони йўқ, дейишади. Хоҳ катта ёшда бўлсин, хоҳ кичик, касби-кори, обрў-эътиборидан қатъи назар, инсон бекорга вақт сарфлашни истамайди. Аслида кутишдан кўра куттиришдан ёмони йўқ.

Инсон инсондан, миллат миллатдан, давлат давлатдан ҳар доим ҳам нимадир яхши жиҳатларни ўрганади. Ўзбекларнинг меҳмондўстлиги, французларнинг ширинсўзлиги, хитойликларнинг ватанпарварлиги бутун дунёда эътироф этилган фазилатлар. Лекин бу сафар эътиборингизни немисларнинг пунктуаллигига қаратиш ниятида қўлга қалам олдим. Бутун кунини режали тақсимлаши, белгиланган ишни аниқ вақтда бажариши, ҳатто шеригига нисбатан ортиқча вақт ажратмаслиги, қатъий овқатланиш тартибига риоя этиши ўрнак олса арзийдиган сифатлардир.

Бизга ҳамиша "тўрт дақиқа" етишмайди. Бекарорликка, ҳафсаласизликка, лоқайдликка барҳам беришимиз керак. Янги замон кишиларимиз ахир!

Лавҳамиз қаҳрамони — кутаётган корхона раҳбари эса шундай қарорга келди: "Ҳозир ишга нисбатан масъулиятсизлик қилдими, кейинчалик ҳам унинг "тўрт дақиқаси" етишмайди. Узрли сабаби бўлган тақдирда огоҳлантирган бўларди. Нима бўлган тақдирда ҳам бу унинг муаммоси. Менинг вақтимни ўғирлашга эса ҳаққи йўқ". Имзоланиши керак бўлган битимдан икки тараф ҳам манфаатдор эди. Аммо бу ташкилот раҳбари пунктуалликка аҳамият қаратди ва иш пишмаслигини кўнгли сезгач, оппоқ қоғозга тўртта сўзни ёзиб қолдирди: "Келдим, кутдим, келмадингиз, кетдим".

Камола АЛИБЕКОВА

Фикр

ЛАҲЗАНИ «УШЛАБ ҚОЛ»

Аксариятимиз саҳарлаб уйғонамиз-у, нонушта қилиб ишга жўнаймиз. Шом қорайгач, уйга қайтамиз. Соат тунги ўн иккига бонг урганида уйимиз деворида осиғлиқ турган тақвимнинг навбатдаги варағи «эскиради» ва умримизнинг саксон олти минг тўрт юз сониядан иборат яна бир куни ортда қолади. Миллион-миллион лаҳзалардан иборат ҳаётимиз шу зайлда ўтаверади-ўтаверади...

Ҳисоб-китобларга кўра, умримиз давомида вақтимизнинг энг катта қисми уйқуга кетар экан. Шифокорлар физиологик жараён саналган уйқунинг бир суткада саккиз соати инсон учун меъёр эканлигини аниқлашган. Бу бир ойда 240 соат (10 кун), бир йилда 2920 соат (121 кун), ўттиз йилда 3652 кун (10 йил) бўлади. Бошқача айтганда, бу ўртача ҳисобда 60 йил яшайдиган одам ҳаёти давомида 20 йил ухлайди дегани. Қолгани эса — ўқиш, ишлаш, овқатланиш, маданий ҳордиқ чиқариш, инсонлар билан мулоқотда бўлиш ва бошқа мақсадларда сарфланади. Ушбу тақсимотдан сўнг умрни ҳисобловчи рақамлар янада қисқаради.

Юқорида санаб ўтганларимиз инсоннинг табиий, ижтимоий, маданий ва шу каби эҳтиёжлари саналади. Кундалик зарурат. Бугунги кунда уларсиз ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Бироқ баъзида лаҳзаларни, қимматли вақтини шунчаки, бекорга ҳавога совуриб юборадиганлар ҳам учрайди.

Вақтни бесамар сарфлайдиганлар — чекувчилар бир кунда ўртача ҳисобда 10-12 дона сигарета чекади. Битта тамаки чекиш учун 5-6 дақиқа сарф бўлади. Улар йиғилиб бир кунда 1 соат, ойда 30 соат, йилда 365 соатни жамлайди. Олтмиш йил яшаган чекувчи 20 ёшидан чекишни бошлаган бўлса, умрининг 40 йилида 14610 соат (кабиса йили билан қўшиб ҳисоблаганда)ни, яъни 608 кунни тамаки тутатишга совуради. Демак, уларнинг 1,5 йилдан кўпроқ умри ҳавога учади. Эҳ-ҳе, бу вақт мобайнида қанчадан-қанча ишларни бажариш мумкин. Мисол учун, 3 та чет тилини пухта ўрганиш ёки мингдан ортиқ газета ё бўлмаса, 100 га яқин бадиий китобни бемалол ўқиб чиқса бўлади.

Биз тамакининг фақат инсонлар вақтини ўғирлашинигина ҳисобладик. Чекувчининг ўзи ва атрофидагиларнинг соғлиғига, экология ҳамда «чўнтак»ка етказадиган зарари, бизнингча, электрон ҳисоблагич хоналарига сиғмаса керак. Агар чекувчилар ўша бир ярим йил ичидаги миллион-миллион лаҳзаларни ҳеч бўлмаганда ухлашга сарфлаганидами, ер юзида ҳар йили 5 миллиондан зиёд инсон чекиш туфайли ҳаётдан кўз юммаган бўлармиди?..

Айни лаҳзаларда дунёда 7 миллиарддан зиёд юрак уриб турибди. Шу лаҳзаларда жажжи юракчалар туғилаётир. Яна қайсидир юраклар депсинишдан тўхтамоқда. Бироқ ҳаёт давом этаверади, лаҳзалар ўтаверади.

Шундай экан, ҳозирданоқ вақтнинг ғанимат эканини ҳис қилиб, ҳаётингизнинг кўз илғамас митти-митти бўлакчалари саналган қимматли сониялар давомида асрларга татигулик юмушларни бажариб, умрингизни мазмунли ўтказинг...

Фозил ЖАББОРОВ,
«Hurriyat» мухбири

Шукуҳ

Чеҳралар тамнун, туйғулар мусаффо

Ҳар бир байрамнинг ўзгача шукуҳи, таровати бор. Уларнинг барчаси кишиларга хурсандчилик, шоду хуррамлик улашади. Юртимизда ҳар доим байрамларни кўтаринки руҳда ўтказишга жиддий эътибор берилади.

Дарҳақиқат байрам тадбирлари халқимизнинг ўзига хос анъаналарига айланиб бормоқда. Айни кунларда Янги йил тантаналари бор таровати билан ёшу қарига шодлик улашмоқда. Янги йилда тилаклар, янги орзу-умидлар чексиз. Буларнинг бари юртимиз тинчлигидан, турмушимизнинг фаровонлигидан дарак берувчи омиллардир.

Бир неча кундирки, пойтахтимиздаги "Мустақиллик майдони"да Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда Янги йил тадбирлари уюштирилмоқда. Ушбу муаззам маскан ҳамюртларимиз, хорижлик меҳмонлар ва болалар билан гавжум. Ўтган йилнинг 24 декабридан буён давом этаётган ранг-баранг ва қизиқарли маданий тадбирлар одамларга манзур бўлаётгани билан эътиборлидир. Айниқса, ўзбек миллий эстрадаси вакиллари, бадиий ва халқ жамоаларининг намойишлари, цирк томошалари дилларга сурур бағишламоқда. Барча юртдошларимизнинг юзида табассум, қалбларида шу элнинг фарзанди бўлиб туғилганига шукроналик ҳисси намоён. Янграётган кую қўшиқларда Ватан мадҳи, она юрт муҳаббати тараннум этилмоқда. Зеро, тинч-осойишта, одамлари ҳаётидан рози бўлган юртга мана шундай тантана ва байрамлар ярашади.

Янада кўркам, тантанавор ва мафтункор қиёфа касб этган мамлакатимизнинг муҳташам "Мустақиллик майдони"га ташриф буюрган юртдошларимизнинг қай бирини суҳбатга чорламайлик, уларнинг онгу шуурида озод юртнинг бахтиёр фуқароси эканлигидан мамнунлик ҳисси намоён бўлиб турибди.

— Тошкентга тез-тез келиб тураман, — дейди ана шундай ватандошларимиздан бири наманганлик Замирахон Ғайбуллаева. — Ҳар сафар бу ерда, албатта, катта-катта ўзгаришларга дуч келаман. Бундан аввал пойтахтга ташриф буюрганимда "Халқаро анжуманлар саройи"нинг қад ростлаганини кўриб бошим осмонга етганди. Бугал эса мана бу оппоқ бино — "Маърифат маркази"нинг ҳайбатини кўриб қувониб ўтирибман.

Мана, байрам сабаб яна бош кентимизга келиш насиб этди. Шаҳарнинг ҳар қадамида камалак ранг чироқларнинг ёниб турганини, турфа безаклардаги арчаларни кўриб баҳри дилим яйрамоқда. Айниқса, аввал ҳеч кўрмаганимдан бўлса керак, майдондаги мана бу улкан арча мени ёш болалардек ҳайратга солди.

Дарҳақиқат, "Мустақиллик майдони" марказида қад ростлаган, ҳар хил ўйинчоқлар ва зебу зарлар билан безатилган улкан арча ота-оналарининг қўлидан маҳкам тутиб келаётган жажжигина фарзандларимизнинг ўз келажагига бўлган ишончини, элига, юртига нисбатан меҳр-муҳаббатини янада орттираётгани, шубҳасиз. Аслида, ҳар бир байрам болажонлар билан суруру. Негаки, кўнгли бамисоли беғубор уммон болакайлар Янги йилни барчамиздан кўра сабрсизлик ва интизорлик билан кутишади. Ўзларининг самимий ҳайратлари, мурғак тафаккури, содда қарашлари сабаб ҳар гал ушбу сана арафасида мўъжизалар рўй беришига, Қорбобою Қорқизнинг узоқ-узоқ ўрмонлардан етиб келишига сидқидилдан ишонишади. "Мустақиллик майдони"га келган болажонлар эса қайсидир манънода ўз орзуларига эришадилар. Улар йил давомида кутган Қорбобо ва Қорқиз билан айнан шу ерда учрашиб, улардан совғалар олишади. Энг асосийси, ушбу лаҳзаларда олинган таассурот болажонларни ҳеч қачон тарк этмаслиги муқаррар.

Ана, таниқли режиссёр Баҳтиёр Ҳамидов томонидан саҳналаштирилган "Эртак қаҳрамонларининг Тошкентдаги саргузаштлари" номли саҳна кўринишлари бош майдонимизда ўрнатилган катта-катта мониторлар орқали намойиш этилмоқда. Бу, ўз навбатида, дилбандларимизга янада хушнудлик улашмоқда. "Фарзанд кулгусидан кўра улканроқ бахт йўқ", деган экан донишмандлардан бири. Гўдаклар кўзида шу кунларда жо бўлган ҳайрат ва қувонч — юртнинг тинчлиги, элнинг хотиржамлигидан нишона. Болажон халқимизнинг барча тўю томошалари, айёмлари эса ана шу шаффоф қалб эгаларининг шодон кулгу, қийқириқлари билан тугалдир.

— Бугун ёшларимизни ҳар томонлама соғлом, юксак маънавиятли, мустақил ва теран тафаккур соҳиблари этиб вояга етказиш, уларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш борасида юртимизда кенг қамровли ислоҳотлар олиб борилмоқда, — дейди байрам тантаналарини фарзандлари билан кўргани келган термизлик Даврон Эгамқулов. — Бугун мана шу муҳташам майдонда ташкил этилаётган сайил ҳам миллатимиз келажаги бўлмиш ёшларга кўрсатилаётган юксак ғамхўрликнинг бир намунасидир. Фарзандларимни бу ерга олиб келишимдан мақсад, уларга республикамизнинг келажаги нақадар буюклигини ва халқимизнинг олижаноблигини кўрсатиш эди.

Байрам тадбирлари 10 январгача ҳар куни соат 10^{00} дан кечки соат 20^{00} гача давом этади. Шу билан бирга, Тошкент шаҳридаги барча маданият ва истироҳат боғлари, хиёбонларда ҳам байрам шодиёналарига бағишланган театрлаштирилган томошалар ташкил этилмоқда. Бундай тадбирлар бутун республикамиз бўйлаб давом этмоқда.

Азим БАҲОДИР

Календарь тарихидан

"Қарзлар китоби"га бир назар

Қадим-қадимдан ҳар бир халқ ўз тақвимига эга бўлган. Фақат улар бир-биридан ойнинг неча кундан иборатлиги ва фойдаланиш усулининг ҳар хиллиги билан тафовутланади.

"Календарь" лотинча "календариум" сўзидан олинган бўлиб, "қарзлар китоби" деган маънони билдиради. Қадимги Римда қарздор кишилар ўз қарзларининг маълум фоизини, одатда, ҳар ойнинг биринчи кунида тўлашган. Шунинг учун ҳар ойнинг биринчи куни "календ", масалан, 1 январь "январь календи", 1 февраль "февраль календи" деб аталган. Лекин бу календарни бизга фақат римликлар мерос қилиб қолдирган дегани эмас. Вақтлар ўтиши билан ундан фойдаланишнинг мақсади ва вазифалари ҳам ўзгарган.

Буюк олим Абу Райҳон Беруний ўзининг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" китобида Хоразмнинг қадимий календарь тизими Искандар Зулқарнайндан 980 йил илгари ҳам бўлганини ёзиб қолдирган.

Ўрта асрнинг буюк метаматик олими, файласуф, мунажжим, шоир Умар Ҳайём (1048-1123) эса 1079 йилда янги ислоҳ қилинган календарь яратади. Бу тақвим Европада ундан беш юз йил кейинроқ қабул қилинган ва ҳозирги кунгача амалда қўлланилаётган Григориан календаридан ҳам аниқроқ ҳисобланади.

Дунё халқлари ҳозирда календарнинг асосан уч туридан: шамсий, қамарий ва қамарий-шамсий календарларидан фойдаланадилар. Бу календарь тизимлари орасида қамарий тақвим тарихий жиҳатдан энг биринчиси ҳисобланади. У биринчи навбатда ойнинг ҳаракатига, ундаги ўзгаришга асосланган. Эътиборлиси, унинг йил фасларига мутлақо алоқаси йўқ. Бундай календарларнинг асосий вазифаси вақт ҳисобида кунлар билан қамарий ойни бир-бирига мувофиқлаштиришдангина иборат, холос. У иссиқ мамлакатларда, кишилар ўзларининг кундузги юмушларини тунги салқин пайтларга кўчиришга мажбур бўлган ўлкаларда, энг аввало чорвачилик билан шуғулланувчи халқлар орасида келиб чиққан. Қамарий тақвим ҳозир БАА, Индонезия, Эрон, Ироқ ва бошқа шу каби мамлакатларда қўлланилади. Туркия, Афғонистон ва Эронда эса қамарий тақвимдан ташқари шамсий календарь ҳам ишлатилади.

Бугунги кунда дунёдаги деярли барча мамлакатлар шамсий тақвимни қўллайди. Бу тақвим Қуёшнинг Ер атрофидаги йиллик ҳаракатига асосланган бўлиб, у асосан кунлар билан йилни бир-бирига мувофиқлаштириш вазифасини бажаради. Бундай тақвимда йил фасллари, уларнинг ўзаро такрорий алмашуви ва тропик йил асосий ўрин тутади. Шамсий тақвим дастлаб қадимги Мисрда эрамиздан тахминан тўрт минг йиллар илгари деҳқончилик ишларини бошқариш эҳтиёжи натижасида келиб чиққан. Бу тақвим кейинроқ, эрамиздан аввалги учинчи минг йиллик бошларида Вавилонда ҳам пайдо бўлган ва у ердан бошқа мамлакатларга тарқалган.

Вақтнинг кун, ой ва йил каби табиий ўлчов бирликларини бир-бирига мослаштиришга қаратилган уринишлар тақвимларнинг учинчи турини — қамарий-шамсий календарларни келтириб чиқарган. Бунга мисол қилиб вавилонликларнинг, яҳудийларнинг, қадимги хитойлик, римликлар ва бошқа халқларнинг календарларини келтириш мумкин. Қамарий-шамсий тақвим ҳозирги пайтда диний байрамларнинг қачон келишини ҳисоблаш учун Исроил давлатидагина қўлланилади.

Ҳозирги вақтда календарнинг варақлама, осма, табель, фото, спорт, мусиқа, телефон кўринишлари ва яна кўплаб бошқа шаклларини учратиш мумкин. Уларнинг ҳаммаси ягона тартиб-қоидага асосланади ва 365 кундан иборат бўлади. Ҳар тўрт йилнинг тўртинчи, яъни сана тўрт сонига бўлинадиган йил қўшимча 366 кунга эга бўлади ва у "Кабиса йили" деб аталади. Айни пайтда ҳижрий йил ҳисоби бўйича 1433 йилда (27 ноябрдан бошланди) яшаяпмиз. 1 январдан эса шамсий тақвим бўйича 2012 йил кириб келди.

Суръат АБДУКАРИМОВ



Бадиа

Кўзим қарогида асрайман, Ватан!

Ватан. Ҳар гал шу сўзни тилга олганда беихтиёр ҳаяжонга тушаман, қалбим фараҳбахш туйғуларга ошно бўлади. Инсон учун она заминда истиқомат қилиб, унга муносиб фарзанд бўлиш қай даражада фахрли бўлса, унинг ҳурлиги, озодлигига эгалик қилиш ҳам улкан бахт эканлигини ҳис қиламан. Ҳа, Ватан фарзандлари ила озод ва ободдир. У ўғил-қизларига кўз тикиб турган мунис онадир. У фарзандлари ила юзага чиқади. Бағри гуллаб-яшнайди, фарзандлари ила дунёга юз тутади.

Ватан эрки йўлида қанча баҳодирлар ёвни таслим этмаган, қанча олиму фузалолар, маърифат эгалари шаҳид кетмаган, дейсиз. Мамлакатимиз мустақиллигига ҳам осонликча эришмадик. Бу йўлда ўтмишдошларимиз жон олиб, жон берганини яхши биламиз.

Она Ватанга муҳаббат — аждодлардан авлодларга мерос бўлиб қоладиган қалбнинг бир дуру бебаҳоси. Ватан мисоли она, унинг бағрида ўсамиз, улғаямиз. Эр йигитлар қаторига қўшилганимиздан сўнг у ҳам биздан меҳр, нажот кутади. Демак, унинг ишончини, умидларини рўёбга чиқаришимиз учун астойдил интилишимиз даркор.

Ватан, қалбимга малҳамсан. Сенда бугуним, келажагим кўринади. Сенда чақалоқнинг беғубор йиғиси, оналарнинг аллалари боқий янграйди. Сен туфайли тандирдан узилган иссиққина ноннинг хушбўй ҳиди димоқларни қитиқлайди. Бундай туйғулар фарзандларингга мардлик, матонат ҳамда енгилмас куч бағишлайди. Бундай баҳодирлар бор юртга ҳеч ким дахл қилолмайди.

Ғайрат МАДРАҲИМОВ

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Назира АБДУАЗИЗОВА
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Гулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайдя УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:
Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Давронбек ОРИПОВ

Топшириш вақти — 21^{00}
Топширилди — 21^{35}

® — тижорат белгиси.

Адади: 12518 Буюртма — Г-155 1 2 3 4 5